

Алберь Камю

КАЛИГУЛА

(Пьеса)

Наби Жалолиддин таржимаси

ҚАТНАШУВЧИЛАР:

Калигула
Цезония
Геликон
Сципион
Херея
Сенект, қари зодагон

Метелл

Луций

Лепид

Октавий

Девонбеги

Мерейя

Муций

Биринчи соқчи

Иккинчи соқчи

Биринчи хизматчи

Иккинчи хизматчи

Учинчи хизматчи

Муцийнинг хотини

Биринчи шоир

Иккинчи шоир


Учинчи шоир

Тўртинчи шоир

Бешинчи шоир

Олтинчи шоир

Еттинчи шоир



Зодагонлар

Биринчи, учинчи, тўртинчи саҳналар Калигуланинг саройида бўлиб ўтади; иккинчиси — Хереянинг уйида.

Биринчи ва қолган саҳналар орасида уч йил ўтади.

БИРИНЧИ САҲНА

БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Саройнинг хосхонасида зодагонлар тўпланган, улардан бири жуда ҳам қари: улар ошкора асабийлашмоқдалар.

Биринчи зодагон. Ҳеч қандай хабар йўқ.

Қари зодагон. Тонгда ҳам, кечда ҳам.

Иккинчи зодагон. Уч кундирки, ҳеч қандай дарак йўқ.

Қари зодагон. Югурдаклар тинмай бориб-келмоқдалар. Улар бош тебратиб, «ҳеч қандай хабар йўқ», демоқдалар холос.

Иккинчи зодагон. Бошқа қиласидиган ишлари йўқдай теваракатрофни титкилаб чиқишиди.

Биринчи зодагон. Дарров хавотирланишнинг нима кераги бор? Кутайлик-чи. Балки қандай кетган бўлса, шундай қайтиб келар.

Қари зодагон. Мен унинг саройдан чиқаётганини кўргандим. Қарашлари бошқача эди.

Биринчи зодагон. Мен ҳам ўша ерда эдим ва ундан нима бўлганини сўрагандим.

Иккинчи зодагон. У нима деди?

Биринчи зодагон. «Ҳеч нарса» — у шу биргинани айтди холос.

Пауза. Пиёз чайнаб, Геликон кириб келади.

Иккинчи зодагон (аввалгидаи асабий). Жудаям хавотирдаман.

Биринчи зодагон. Эй-й, ёшлиқда ҳамма ҳам шундай бўлади.

Қари зодагон. Албатта, аста-секин ўтиб кетади.

Иккинчи зодагон. Шундай деб ўйлайсизми?

Биринчи зодагон. У унутади, деб умид қиласиз.

Қари зодагон. Турган гап. Бирини йўқотса, ўнтасини топади.

Геликон. Ҳаммасига муҳаббат сабаб эканини қаёқдан била қолдинглар?

Биринчи зодагон. Бўлмаса, не сабаб?

Геликон. Эҳтимол жигари оғриб қолгандир. Ёки шунчаки ҳар куни сизларни кўравериш жонига теккан. Агар вақти-вақти билан ўз башараларини ўзгартириб тура олганларида эди, атрофдагиларга тоқат қилиш осонроқ бўларди. Афсуски, бу дастурхон ўзгармасдир. Ҳамиша бир хил қовурма.

Биринчи зодагон. Мен эса ҳаммасига севги сабаб деб ўйлагим келяпти. Шуниси таъсирироқ.

Геликон. Ва таскин бўлгулик, асосийси, анча таскин бўлгулик. Бу шундай дардки, у на ақллиларни, на аҳмоқларни аяб ўтиради.

Биринчи зодагон. Нима бўлганда ҳам, куйиб-ёнмоқ, баҳтимизга, мангу эмас. Сиз бир йилдан ортиқ азоблана оласизми?

Иккинчи зодагон. Мен — йўқ!

Биринчи зодагон. Бу ҳеч кимнинг қўлидан келмайди.

Қари зодагон. Акс ҳолда яшаш ҳам мумкин бўлмасди.

Биринчи зодагон. Ана кўрдингизми? Биласизми, ўтган йили хотинимдан жудо бўлдим. Кўп йиғладим, кейин эса унутдим. Гоҳо ғамгин бўлиб қоламан. Аммо, умуман олганда, бу ҳеч нарса эмас.

Қари зодагон. Табиат ҳаммасини донишмандона тартиблаган.

Геликон. Сизларга қараганимда, гоҳо унинг, яъни табиатнинг ҳам хатолари бўладигандек туюлаверади.

Херея кираиди.

Биринчи зодагон. Нима гап?

Херея. Ҳамон ҳеч қандай дарак йўқ.

Геликон. Тинчланинг, тинчланинг, жаноблар! Ўзимизни бинойидек тутайлик. Рим салтанати — бу биз. Агар биз ўз қиёфамизни йўқотсак, салтанат бошини йўқотгусидир. Ҳозир

фурсати эмас, асло фурсати эмас! Аввалига нонушта қилгани борамиз, бу салтанат учун фойдали.

Қари зодагон. Тўппа-тўғри, ҳар хил хомхаёлларни деб, бор нарсаларни унудиши жоиз эмас.

Херея. Бу менга ёқмай турибди. Бироқ ҳаммаси жуда яхши кетаётганди. У етук император эди.

Иккинчи зодагон. Ҳа, айни кераклиси: вижданли ва тажрибасиз.

Биринчи зодагон. Сизларга не бўлди ўзи, нега бунча оҳ-воҳ қиласиз! Нима учун у ишни аввалги кайфиятда давом эттирмаслиги керак? Албатта, у Друзиллани севарди. Бироқ бу аёл унинг синглиси эди. У билан бирга ётиб-тургани ҳам етарлику. Унинг вафоти учун бутун Римнинг ҳаловатини бузиши — бу энди мутлақо қуюшқонга сиғмайди.

Херея. Барибир. Бу менга ёқмаяпти ва унинг қочиб юришини ҳам тушунолмаяпман.

Қари зодагон. Ҳа, оловсиз тутун бўлмайди.

Биринчи зодагон. Ҳар нима бўлганда ҳам, азбаройи давлат манфаатлари учун қон гупиришининг фожеага айланишига йўл қўймаслик керак. Шундай экан, майли, қон гупирсин, лекин астагина.

Геликон. Биласизми, қон гупириши, албатта, қандайдир шовқин чиқаради. Агар таъбир жоиз бўлса, каравот ғичирлайди. Айтгандай, бу ерда гап Друзиллада эканини сизларга ким айтди?

Иккинчи зодагон. Бўлмаса, нимада?

Геликон. Ўйлаб кўринг. Бахтсизлик худди уйланишга ўхшайди, билсангиз. Сен ўзим танладим деб ўйлайсан, оқибатда эса сени танлаганлари аён бўлади. Нима ҳам қила олардинг? Калигуламиз бахтсиз, аммо балки негалигини унинг ўзи ҳам тушунмас. Тўғрироғи, у ўзини қийин-қистовга олаётганларини ҳис қилиб, шунинг учун ҳам қочиб қолгандир. Унинг ўрнида сизу биз ҳам шундай қилган бўлардик. Масалан, мана мен, агар ўзимга ота танлаш имкониятини берсалар, мен мутлақо туғилмаган бўлардим.

Сципион киради.

ИККИНЧИ КҮРИНИШ

Херея. Янгилик борми?

Сципион. Ҳозирча йўқ. Аллақандай дехқонлар айишяптики, кеча кечқурунги жалада унинг шу яқин атрофдан югуриб ўтганини кўришганмиш.

Херея сенаторларнинг олдига қайтади. Сципион ортидан эргашади.

Херея. Дарров уч кун ўтдими, Сципион?

Сципион. Ҳа. Ҳар доимгидек унинг ёнида эдим ва ҳаммасини кўрдим. У Друзилланинг жасадига яқин келди. Бармоқлари билан уни силади. Сўнг гўё ўйга ботгандай бўлди ва ортига қайрилдию, шаҳд билан юриб чиқиб кетди. Ўшандан бери уни излашади.

Херея (бош тебратиб). Бу йигитча адабиётни жуда севарди.

Иккинчи зодагон. Унинг ёшида бу табиий.

Херея. Лекин бу унга тўғри келмайди. Император-ижодкор — бунга ҳатто ақл бовар қилмайди. Албатта, бизда бир-иккита бундайлар бўлган. Тиррақи бузоқлар ҳамма ерда бор. Бироқ бошқаларда амалдор бўлиб қола олиш диди етарли эди.

Қари зодагон. Шуниси тинчроқ эди.

Қари зодагон. Барчанинг ўз ҳунари бор-да.

Сципион. Нима қилиш мумкин, Херея?

Херея. Ҳеч нарса.

Иккинчи зодагон. Кутамиз. Агар у қайтиб келмаса, уни алмаштиришга тўғри келади. Гап орамизда қолсину, императорлар бизда етарли.

Биринчи зодагон. Ҳа, бизда ҳақиқий инсонлар етишмайди холос.

Херея. Агар у хавфли бир қайфиятда қайтса-чи?

Биринчи зодагон. Ишонинг, у ҳали гўдак, биз уни ҳақиқат йўлига соламиз.

Херея. Агар у насиҳатларимизни эшитишни истамаса-чи?

Биринчи зодагон (*кулади*). Нима қипти! Ахир давлат тўнтариши ҳақидаги рисолани қачонлардир мен ёзмаганмидим?

Херея. Албатта, мабодо зарурат туғилса! Лекин мени ўз китобларимдан айирмасликларини истардим.

Сципион. Авфу этгайсизлар (*кетади*).

Херея. Ранжиди шекилли.

Қари зодагон. У ҳам бола. Ёшларнинг ҳаммаси бир гўр.

Геликон. Бир гўрми ёки йўқми, улар ҳам барибир қарийди.

*Соқчи хабар келтиради: Калигулани сарой боғида
кўришганмиш. Ҳаммаси кетади.*

УЧИНЧИ КЎРИНИШ

*Саҳна бир неча лаҳза бўш туради. Чап томондан писиб-
беркиниб, Калигула киради. Унинг қиёфаси аянчли, кийимлари
иғлос, соchlари ҳўл, оёқлари лойга белангган. У оғзини бир неча бор
кафти билан беркитади. Кўзгу томон юради ва ўз аксини кўриб,
тўхтайди. Нималарнидир тушуниксиз алжираиди, кейин ўнгга
юради, қўлларини тиззалари орасида осилтириб ўтиради. Чап
тарафдан Геликон кириб келади. Калигулани кўриб, саҳнанинг
бурчагида тўхтайди ва унга сўзсиз тикилади. Калигула ўғирилади
ва уни кўради. Пауза.*

ТЎРТИНЧИ КЎРИНИШ

Геликон (*саҳнани бошига қўтариб*). Салом, Гай!

Калигула (*жўнгина*). Салом, Геликон.

Жимлик.

Геликон. Чарчаганга ўхшайсан?

Калигула. Кўп юрдим.

Геликон. Ҳа, анча вақт йўқ бўлдинг.

Жимлик.

Калигула. Топиш мушқул бўлди.

Геликон. Нимани топиш?

Калигула. Излаган нарсамни.

Геликон. Нени излагандинг?

Калигула (*аввалгидек жўнгина*). Ойни.

Геликон. Нимани?

Калигула. Ҳа, ойни излагандим.

Геликон. Ҳм-м... (*Жимлик. Яқинроқ келади.*) Нечун?

Калигула. Шунчаки... У менда йўқ нарсалардан бири холос.

Геликон. Тушунарли. Ҳўш, энди ҳаммаси жойидами?

Калигула. Йўқ, уни ушлолмадим.

Геликон. Афсус.

Калигула. Ҳа, шунинг учун ҳам толикдим. (*Пауза.*) Геликон!

Геликон. Ҳа, Гай.

Калигула. Сен мени савдои бўлиб қолди деб ўйладяпсанми?

Геликон. Мен ҳеч қачон ўйламаслигимни жуда яхши биласан.

Унчалар аҳмоқ эмасман.

Калигула. Ҳа. Ҳар ҳолда ақлдан озганим йўқ, аксинча, фикрим ҳар қачонгидан ойдинроқ. Биласанми, туйқусдан менга бўлиши мумкин бўлмаган нарсалар кераклигини пайқаб қолдим (*Пауза.*) Назаримда, мавжуд нарсаларнинг тартиботлари мутлақо яроқсиздир.

Геликон. Жудаям оммалашган фикр.

Калигула. Тўғри. Бироқ шу пайтгача бу нарсани билмасдим. Энди эса биламан. (*Яна аввалгидек жўнгина.*) Бу оламни шундайлигича қабул қилиб бўлмайди. Шунинг учун менга ой керак, ёки баҳт, ёки абадий ҳаёт, майли, қанақадир ақл бовар қилмас нарсами, зарур, фақат у мана шу оламдан бўлмаса бас.

Геликон. Мантиқли мурлоҳаза. Лекин ҳамма ҳам мантиққа амал қиласкермайди.

Калигула (*ўрнидан тураркан, ўшандай жўнгина*). Сен бу борада ҳеч нарсани тушунмайсан. Одамлар мантиққа мутлақо амал қилмаганликлари учун ҳам ҳеч нарсага эришиб бўлмайдида. Лекин аслида то охиригача мантиққа суюниб яшашгина зарурдир балки. (*Геликонга қарайди.*) Нима ҳақда ўйлаётганингни биламан. Биргина аёлнинг ўлимига шунча тўполонми! Йўқ, гап бунда эмас. Рост, бир неча кун аввал мен севган аёл оламдан ўтганини эслагандай бўламан гўё. Бироқ севги ўзи нима? Арзимас нарса. Онт ичаманки, у ўлимнинг бунга дахли йўқ. Фақат у менга ойнинг зарурийлиги ҳақидаги ҳақиқатни аниқлаб берди. Бу жуда содда ва жудаям равshan ҳақиқат, лекин уни ўзинг учун кашф этиш қийин ва ҳазм қилиш оғирроқ.

Геликон. У қандай ҳақиқат экан, Гай?

Калигула (*ўғирилиб, овозини ўзгартирмай*). Одамлар ўладилар ва улар баҳтсиздирлар.

Геликон (*жисм туриб*). Менга қара, Гай, бу ҳақиқатга бемалол кўнишиш мумкин. Атрофингга бир қарагин. У одамларни нафсларидан маҳрум қилаётгандари йўқ.

Калигула (*бирдан жунбушга келади*). Демак, мени ёлғон куршаб олган, мен эса уларнинг ҳақиқат ила яшамоқларини истайман! Ва менда айнан уларни ҳақиқатда яшашга мажбур этувчи восита ҳам бор. Ахир уларга нима этишмаслигини жуда яхши биламан-ку, Геликон. Уларда билим йўқ ва уларга нима дейётганини ўзи яхши тушунгувчи мураббий этишмайди.

Геликон. Гапимга хафа бўлмагину, Гай, олдин бир ҳордик чиқариб олишинг керакмиди.

Калигула (*ўтиради ва майин овозда гапиради*). Иложим йўқ, Геликон, энди бу ҳеч қачон қўлимдан келмайди.

Геликон. Нечун?

Калигула. Агар ухлагудай бўлсам, ойни ким олиб беради менга?

Геликон (*жисм туриб*). Бу ҳам тўғри.

Калигула қийинчилик билан ўрнидан туради.

Калигула. Менга қара, Геликон. Анави ёқдан қадам товушлари эшитиляпти. Мени кўрганингни айтма ва унут.

Геликон. Тушундим.

Калигула чиқа бошлайди. Ўгирилади.

Калигула. Ва бундан буён менга ёрдам бер, ўтинаман.

Геликон. Бундай қилмасликка менда сабаб йўқ, Гай. Лекин кўп нарса билсам-да, оз нарса менга таъсир этади. Сенга қандай ёрдам беришим мумкин?

Калигула. Имконсиз нарсада.

Геликон. Ҳаракат қиласман.

Калигула кетади. Сципион ва Цезония шошиб кириб келадилар.

БЕШИНЧИ КЎРИНИШ

Сципион. Ҳеч ким йўқ. Сен уни кўрмадингми, Геликон?

Геликон. Йўқ.

Цезония. Геликон, у қочиб кета туриб ростдан ҳам ҳеч нарса демадими?

Геликон. Мен унинг учун надим эмас, томошабинман. Шуниси маъқулроқ.

Цезония. Ўтинаман.

Геликон. Азизам Цезония. Гай художўй, бу барчага маълум. Бошқача айтганда, у ҳали тушунмади. Мен эса тушундим ва шунинг учун ҳеч нарсага аралашмайман. Лекин агар Гай тушуна бошласа борми, у ўзининг юмшоқ кўнгли билан, аксинча, ҳар нарсага аралашавериши мумкин. Уёғи нима бўлишини ёлғиз Худонинг ўзи билади. Вале авфу этгайсиз, нонушта пайти бўлди! (Геликон кетади.)

ОЛТИНЧИ КҮРИНИШ

Цезония ҳорғин ўтиради.

Цезония. Унинг бу ердан ўтганини соқчи кўрибди. Лекин бутун Рим Калигулани ҳамма ёқда кўрмоқда. Калигула эса аслида фақатгина ўз ягонасини кўрмоқда холос.

Сципион. Қандай ягонасини?

Цезония. Мен қаёқдан билай, Сципион!

Сципион. Друзилла?

Цезония. Ким билсин? Бироқ у ростдан ҳам уни севарди. Кечагина бағрингни илитган аёлнинг бугун ўлаётганини кўриш — бу чиндан ҳам аламли.

Сципион (ювошгина). Сен-чи?

Цезония. Мен? Мен эски жазмманман холос.

Сципион. Цезония, уни қутиқариш керак.

Цезония. Демак, уни яхши кўрасан?

Сципион. Мен уни севаман. У менга меҳрибон эди. У мени уйғотди. Унинг баъзи сўзларини эслайман. Ҳаёт осонмас, дерди у, лекин бизга дин, санъат ва муҳаббат берилган. Бирорвга озор берган зот қаттиқ янгишганини у тез-тез қайтариб турарди. У одил бўлишни истарди.

Цезония (ўрнидан туаркан). У бола эди. (*Кўзгу олдига келади ва унга тикилади.*) Менинг ўз танамдан бошқа худойим бўлмаган хеч қачон. Бугун айни шу худога илтижо қиласманки, токи менга Гайни қайтариб берсинлар.

Калигула киради. Цезония ва Сципионни кўриб, қатъиятсизлик билан ортига чекинади. Айни шу дақиқада қарама-қарши томондан зодагонлар ва сарой бошқарувчиси — девонбеги кириб келади. Улар эсанкираганча тўхтайдилар. Цезония ўгириласди. У билан Сципион Калигулага интиладилар. Калигула эса қўл ишораси билан уларни тўхтатади.

ЕТТИНЧИ ҚҮРИНИШ

Девонбеги (*иккиланиб*). Биз... биз сени изладик, цезар.

Калигула (*ўзгарган қўпол овоз билан*). Кўряпман.

Девонбеги. Биз... яъни...

Калигула (*кескин*). Сизларга нима керак?

Девонбеги. Хавотирландик, цезар.

Калигула (*унга дўқуриб*). Ким хуқуқ берди?

Девонбеги. Э-э-э... м-м-м... (*Кўққисдан тилдан қолади. Тезда ўзини ўнглаб.*) Бироқ билансанки, давлат ғазнасига оид баъзи масалаларни ҳал этишинг керак.

Калигула (*ўзини тутолмасдан қаҳқаҳа уради*). Ғазна? Бу қанақаси? Албатта, ғазна — бу жиддий иш.

Девонбеги. Шубҳасиз, цезар.

Калигула (*кулиб, Цезонияга*). Ғазна — бу жуда муҳим, тўғрими, азизам?

Цезония. Йўқ, Калигула, ғазна — иккинчи даражали иш.

Калигула. Сен бу борада ҳеч нарсани тушунмайсан. Ғазна муҳим ўрин тутади. Молия, жамоатчилик ахлоқи, ташқи сиёсат, қўшин таъминоти ва деҳқончилик қонунлари — ҳаммаси муҳим. Сенга айтяпман-ку, барчаси ўта жиддий масалалар. Римнинг улуғворлиги ва сенинг бодинг хуружи — ҳаммаси бирдай муҳим. Ҳа! Мен буларнинг барчаси билан шуғулланаман. Менга қара, ҳей, Девонбеги.

Зодагонлар яқинроқ келишади.

Калигула. Сен менга содиқсан, тўғрими?

Девонбеги (*гинали оҳангда*). Цезар!

Калигула. Хўш, сен учун бир режам бор. Биз бутун сиёсий иқтисодни икки юришдаёқ ағдар-тўнтар қилиб ташлаймиз.

Зодагонлар кетганидан сўнг... мен сенга ҳаммасини тушунтириб бераман, Девонбеги.

Зодагонлар кетадилар.

САККИЗИНЧИ КЎРИНИШ

Калигула Цезониянинг ёнига ўтириб, унинг белидан қучоқлайди.

Калигула. Диққат билан эшит. Биринчи юриш: барча зодагонлар, салтанатдаги катта ёки кичик қандайдир маълум мол-мулкка эга бўлган барча шахслар, мутлақо фарқ қилмаган ҳолда, мажбурий равишда ўз болаларини меросдан маҳрум этишга бурчли бўладилар ва ҳаммасини зудлик билан давлат ҳисобига ўтказадилар.

Девонбеги. Лекин, цезар...

Калигула. Мен сенга ҳали сўз берганим йўқ. Бу шахсларни бизга зарур бўлган миқдорда ўзбошимчалик билан тузилган рўйхат бўйича ўлдираверамиз. Агар бир гап бўлса, бу тартибни яна ўшандай ўзбошимчалик билан ўзгартиришимиз мумкин. Ва шу билан биз ҳаммасига меросхўр бўлиб оламиз.

Цезония (*ўзини олиб қочиб*). Сенга нима бўлди?

Калигула (*дона-дона қилиб*). Қатл этиш тартиби, ростдан ҳам, муҳим эмас. Тўғрироғи, барча қатллар бирдай муҳим, бундан келиб чиқадики, улар умуман муҳим эмас. Охир-оқибат улар ҳам, бошқалари ҳам — ҳаммалари айбдор. Айтгандай, билиб қўйинг, фуқароларни тўғридан-тўғри талаш — кундалик эҳтиёж моллари нархларига дахлдор солиқларни киритишдан кўра ахлоқсизлик эмасдир. Бошқариш — талаш демақдир, бу ҳаммага аён. Фақат турли усувлари бор. Мен эса ошкора талайман. Бу қўйи табақани озод этади. (*Фармонбардорона, кескин.*) Сен бу буйруқни кечиктирмай бажарасан. Барча римликлар васиятни бугун

кечқурун, вилоятлардаги аҳоли эса кечи билан бир ой ичида ёзадилар. Чопарларни йўлла!

Девонбеги. Цезар, сен ўйлаб гапирмаяпсан чоғи...

Калигула. Мени яхшилаб эшитиб ол, тўнка. Агар ғазна аҳамиятли бўлса, унда инсон ҳаёти аҳамиятсизdir. Бу тушунарли. Ўша сен каби ўйлагувчилар бу фикр билан келишишлари керак ва билиб қўйсинларки, уларнинг ҳаёти ҳеч нарса эмас, балки улар учун ҳадемай пул ҳамма нарсага айланади. Мен энди мантиқ билан иш тутмоқчиман ва ҳокимият менга тегишли экан, бу мантиқ сизлар учун қандай қийматга эга эканини қўрасизлар. Мен қаршилар ва қаршиликни келтириб чиқарувчиларнинг илдизини қуритаман. Керак бўлса, сендан бошлайман.

Девонбеги. Цезар, онт ичаманки, менинг эзгу ниятимга шубҳа қилишинг ўринсизdir.

Калигула. Менинг ҳам, ишонишинг мумкин. Бунинг исботи учун сенинг нуқтаи назарингга ўтишга ва давлат ғазнасини бош қотиришга арзидиган нарса деб билишга тайёрман. Бир сўз билан айтганда, мендан миннатдор бўлавер, ахир сенинг ўйинингни қабул қиляпман ва сенинг қартангда ўйнаяпман. (*Жим тургач, хотиржам.*) Унинг устига, бу режам ўзининг оддийлиги билан жудаям дохиёнадир, шунинг учун музокаралар тўхтатилади. Сенинг даф бўлишинг учун эса уч лаҳза вақт берилади. Санаяпман: бир...

Девонбеги даф бўлади.

ТҮҚҚИЗИНЧИ КҮРИНИШ

Цезония. Мен сени таниёлмаяпман! Нима бу, ҳазилми?

Калигула. Унчалик эмас, Цезония. Бу мураббиёна усул.

Сципион. Лекин бу имконсиз, Гай!

Калигула. Айнан шундай!

Сципион. Сени тушунолмаяпман.

Калигула. Айнан шундай! Гап айнан ўша бўлиши мумкин бўлмаган нарса ҳақида, тўғрироғи, бўлиши мумкин бўлмаганни бўлдира олиш хусусида боряпти.

Сципион. Лекин бундай ўйинда тўхташнинг иложи йўқ. Бу тентаклар эрмаги.

Калигула. Йўқ, Сципион, бу император қисмати. (*Юзида ҳорғинлик касб этиб, ўзини ортга ташлайди.*) Ва ниҳоят ҳокимиятга недан наф келишини тушундим. У имконсиз нарсаларга аллақандай имкониятлар беради. Бугундан ва келажак барча замонларда менинг эрким чегарасиздир.

Цезония (*ғамгин*). Бунга хурсанд бўлиш керакмикан, Гай, билмайман.

Калигула. Мен ҳам. Лекин, ўйлайманки, шундай яшаш керак.

Херея киради.

ЎНИНЧИ КҮРИНИШ

Херея. Қайтганингни эшитдим. Худолардан сенинг саломат бўлишингни сўраб, илтижо қиласман.

Калигула. Соғлигим сенга ташаккур билдиради. (*Жим тургач, туйқусдан*) Кет, Херея. сени бошқа кўришни истамайман.

Херея. Тушунмадим, Гай.

Калигула. Ҳайрон бўлма, мен адабиётчиларни ёқтирамайман ва уларнинг ёлғонларига тоқат қилолмайман. Улар ўзларини тингламаслик учунгина гапиришади. Агар улар ўзларини тинглаганларида эди, ўзларининг нақадар тубан эканликларини

тушунишарди ва унлари ўчарди. Йўқ, етар, мен ёлғочилардан нафратланаман.

Херея. Биз кўпроқ ихтиёrsиз равишда ёлғон гапирамиз. Мен ўзимни айбдор деб билмайман.

Калигула. Ёлғон айбсиз бўлмайди. Сизларнинг ёлғонларингиз эса одамлар ва нарсаларга қанақадир маъно тиркайди. Мана, нима учун сизларни кечирмайман.

Херея. Нима бўлгандаям, бу дунёни ҳимоя этиш керак, чунки ҳадемай унда яшашни истаб қоламиз.

Калигула. Ҳимоянинг кераги йўқ, бу ишни қўриб чиқиш якунланди. Бу дунё аҳамиятсиздир ва кимки буни англаб етса, хурликка эришади. (*Туради.*) Сизлар озод эмассизлар ва шу боис сизлардан нафратланаман. Бутун Рим салтанатида фақат мен озодман холос. Севининг, ва ниҳоят, сизларни озодликка ўргатувчи император дунёга келди. Кет, Херея. сен ҳам Сципион, дўстлик мен учун кулгилидир. Римга хабар қилингки, ва ниҳоят унга озодлик қайтарилиди ва у билан бирга буюк синовлар ҳам келмоқда.

Улар кетадилар. Калигула тескари қарайди.

ЎН БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Цезония. Йиғлаяпсанми?

Калигула. Ҳа, Цезония.

Цезония. Аслида нима ўзгарди? Сен Друзиллани севардинг, рост, лекин бир вақтнинг ўзида сен мени ва бошқа кўплаб аёлларни ҳам севгандинг. Унинг ўлими сен учун уч-кечаю уч кундуз қаерлардадир санқишингга ва мана бундай бегона қиёфада қайтиб келишингга сабаб бўлолмайди.

Калигула (*ўгирилади*). Ким сенга Друзилла ҳақида гапиряпти, тентак? Нима, сен одам севгидан ўзга нарса учун йиғлаши мумкинлигини тасаввур ҳам қилолмайсанми?

Цезония. Кечир, Гай! Лекин мен тушунишни истаяпман.

Калигула. Одамлар ҳамма нарса улар хоҳлагандек эмас, аксинча кечеётгани учун йиғлашади. (*Цезония унга яқинлашади.*) Тинч қўй, Цезония. (*Утиради*) Лекин ёнимда қол.

Цезония. Сен нени ихтиёр этсанг, бажараман. (*Ўтиради*) Менинг ёшимда ҳаёт унчалар ҳам юмшоқ эмаслигини яхши биладилар. Лекин агар бу заминда ёвузлик бор экан, нечун энди уни кўпайтирмоққа ўзимиз интилмоғимиз керак?

Калигула. Тушунмаяпсан. Аҳамияти йўқ. Балки бундан кутулиб кетарман. Бироқ вужудимда аллақандай номсиз бир нималар уйғонаётганини ҳис қиляпман. Уларни нима қиласай? (*Унга ўғирилади*) Оҳ, Цезония, одамлар тушқунликлари тушиши ҳақида билардим, бироқ бу сўзнинг замирида не борлигини англамасдим. Барча каби мен ҳам уни қалб хасталиги деб ўйлардим. Йўқ, аслида вужуд азобланаркан. Менинг этим, кўксим ва оёқларим оғрияпти. Кўнглим айнийди, бошим айланади. Лекин энг даҳшатлиси — оғзимдаги таъм. Бу на қон, на ўлим, на безгак таъми, балки уларнинг ҳаммаси қоришган бир таъмдир. Тилимни қимиirlатсан борми, атрофдаги ҳамма нарса қорайиб кетади. Одамлар эса жирканч кўринадилар. Одам бўлиш нақадар оғир ва аччиқдир!

Цезония. Кўзни юмиш, узок үхлаш, хотиржамлашиш ва ҳеч нарса ҳақида ўйламаслик лозим. Сен үхлаб олгунингча мен ёнингда ўтириб тураман. Уйғонганингда эса дунё сен учун яна аввалги таъмига қайтган бўлади. Ва ўз хукмронлигингни ҳамон севишга арзигулик нарсалар севгиси учун сарфлашга ҳаракат қил. Ахир имконсиз нарса ҳам ўз имкониятига эришиши керак.

Калигула. Бироқ үхлаш керак, унтиши керак, мен эса бунга қодир эмасман.

Цезония. Ўта толиққанинг учун ҳам сенга шундай туюляпти. Вақт ўтиши билан яна ўз қаттиққўллигингга қайтасан.

Калигула. Фақат уни нимага уришни билиш зарур. Агар мен дунё тартиботларини ўзгартиролмас, токи қуёшни Шарққа ботадиган, токи қайғу-азоблар йўқолиб, одамларни ўлмайдиган қила олмас эканман, менга бу қаттиқ қўлнинг не даркорию бу

мисли кўрилмаган қудратнинг не кераги бор? Йўқ, Цезония, токи дунё тартиботлари устидан хуксронлигим йўқ экан, ухламоғу бедорлик барибир эмасми?

Цезония. Демак, худолар билан беллашмоқни истайсан. Бундан даҳшатлироқ тентакликни билмайман!

Калигула. Сен, сен ҳам мени мияси айнигандек хисоблаяпсан. Ҳе, ўша худо ким бўптию у билан тенглашмоқни истасам? Мен ҳозир бор кучим билан интилаётган нарса ҳар қандайин худолардан юксакроқдир. Мен имконсиз нарса хукмронлик қилаётган салтанатни бошқаришга киришмоқдаман.

Цезония. Сен токи осмон осмон бўлмай қолишининг, токи гўзал бир чехра жирканч башарага айланишининг, токи инсон юраги ҳиссиз бўлиб қолишининг уддасидан чиқолмайсан.

Калигула (*янада ҳаяжонланиб*). Мен осмон ва денгизни аралаштириб, гўзалликни расволик билан қориштириб, азобдан кулгининг парчаларини ажратиб олмоқни истайман.

Цезония (*унинг рўпарасига келади, ёлвориб*). Лекин ахир эзгулик ва ёвузлик, улуғворлик ва пасткашлиқ, одиллик ва разолат ҳам бор-ку. Ишон, буларнинг бари мен учун ўзгармас бўлиб қолади.

Калигула (*аввалгидаи қуюниб*). Мен эса буларнинг барини ўзгартиromoқни истайман. Давримизга тенгликни инъом этаман ва барча теппа-тенг бўлганида имконсиз нарса ва ниҳоят ерга, ой эса менинг қўлимга келиб тушади, ўшанда балки мен учун ва мен билан бирга бутун дунё учун эврилмоқ вақти етар, ниҳоят шунда одамлар ўлишдан тўхтарлар ва баҳтли бўларлар.

Цезония (*қичқириб*). Сен муҳаббатни рад этолмайсан!

Калигула (*жазавага тушиб*). Муҳаббат, Цезония! (*Унинг елкасидан тутиб, силкийди*) Мен бу не бало эканини тушунмадим. Бутунлай бошқа нарса муҳим — давлат ғазнаси! Ахир эшийтдинг-ку, тўғрими? Ҳаммаси шундангина бошланади. Ва ниҳоят мана энди яшайман. Яшайман, Цезония, яшайман: ҳаёт ва севги эса қарама-қарши нарсалардир. Буни мен сенга айтяпман. Ва сени мисли кўрилмаган байрамга, бутун коинот судлов

жараёнига, гўзал томошалардан бирига таклиф этаман. Бироқ менга одамлар, томошибинлар, жабрланганлар ва айбдорлар зарур.

*У дўлноғорага ташланади ва унга бор кучи билан
тўхтамасдан ура бошлиайди.*

Калигула (*дўлноғорага уриб*). Айбдорларни олиб киринг. Менга айбдорлар керак. Илло ҳамма айбдор. (*Дўлноғорани уриб*.) Ўлимга ҳукм этилганларни олиб келишларини истайман. Омма, қани менинг оммам? Қозилар, гувоҳлар, айбдорлар, ҳаммаси олдиндан суд қилиб бўлинган? О, Цезония, уларга ҳеч қачон кўрмаган нарсалари — бу мамлакатдаги бирдан-бир озод одамни кўрсатаман!

*Дўлноғоранинг момақалдироқдай гумбирлаши остида сарой
товушларга тўлади, улар баландлаб, яқинлашадилар. Овозлар,
қуролларнинг шақирлаши, қадамлар ва гурсиллашлар. Калигула
кулади ва дўлноғорани уришда давом этади. Соқчилар пайдо
бўладилар ва бирпас туриб, кетадилар.*

Калигула (*дўлноғорани уриб*). Сен бўлса, Цезония, менга итоат этасан. Менга ёрдам берасан. Бу жуда ғаройиб бўлади. Менга кўмаклашишга онт ич, Цезония.

Цезония (*қулоғи батангга келиб, ҳар икки зарбнинг орасида*). Нега энди онт ичай, ахир сени севаман-ку!

Калигула (*дўлноғорани уриб*). Не десам, шуни қиласан.

Цезония (*икки зарб орасидаги фурсатда*). Нени истасанг, ҳаммасини, фақат бас қил!

Калигула (*дўлноғорани уриб*). Шафқатсиз бўласан.

Цезония (*ийғлаб*). Шафқатсиз.

Калигула (*дўлноғорани уриб*). Совуқ ва эгилмас.

Цезония. Эгилмас.

Калигула (*дўлноғорани уриб*). Ва азоб тортасан.

Цезония. Яхши, Калигула, лекин мен ақлдан озяпман.

Зодагонлар ва улар билан бирга сарой хизматчилари хавотирда югуриб чиқишади. Калигула охирги марта дўлноғорани уриб, болғани қўтаради, ўғирилиб, уларни чорлайди.

Калигула (*ўзини билмай*). Ҳаммангиз келинг. Яқинроқ. Сизга яқинроқ келишни буюряпман. (*Оёғини дупурлатиб*.) Император сизларга яқинроқ келишни буюради! (*Барча қўрқув билан яқинлашади*.) Тезроқ. Сен ҳам кел, Цезония!

У аёлни қўлидан ушлаб, қўзгуга олиб келади ва ялтироқ сиртдаги аксни болға билан асабий тарзда қириб ташлашга уринади.

Калигула (*кулади*). Кўрдингми, шу билан тамом! Хотиралар йўқ бўлди, барча юзлар ғойиб бўлди! Бўшлиқ. Биласанми, ким қолди? Янада яқинроқ кел. Қара. Сизлар ҳам келинглар. Қаранглар. (*У қўзгу олдида аҳмоқона бир қиёфада туради*.)

Цезония (*кўзгуга боқиб, даҳшатда*). Калигула!

Калигула (*юз қўринишини ўзгартиради, бармоғини ойнага нуқиб ва туйқус қотган нигоҳ билан тантанали равишда дейди*). Калигула!

ПАРДА

ИККИНЧИ САҲНА

БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Хереянинг уйида зодагонлар йиғилишган.

Биринчи зодагон. У ор-номусимизни топтаяпти.

Муций. Уч йилдан бери.

Қари зодагон. У мени хотинжон деб чақиради. У мени калака қиляпти. Ўлим унга!

Муций. Уч йилдан бери.

Биринчи зодагон. Ҳар кеч сайр этмоқ учун шахар ташқарисига жўнаркан, бизларни ўз кўшки ортидан чопмоқقا мажбур қилмоқда.

Иккинчи зодагон. Тағин, югуриш саломатлик учун фойдали, дейди.

Муций. Уч йилдан бери!

Қари зодагон. Бунга чидаб бўлмайди.

Учинчи зодагон. Ҳа, буни кечириш мумкин эмас.

Биринчи зодагон. Корнелий, у мол-мулкингни мусодара қилди. Сципион, у отангни ўлдирди. Октавий, у хотинингни ўғирлади ва томошагоҳга берди. Лепид, у ўғлингни ўлдирди. Сиз бунга чидамоқчимисиз? Мен эса бир қарорга келдим. Бу таваккалим ҳозирги қўрқув ва чорасизликдаги чидаб бўлмас ҳайётни афзал кўрадими-йўқми, дея иккиланиб ўтирумайман.

Сципион. У отамни ўлдириб, мен учун хукм чиқарди.

Биринчи зодагон. Сен эса шундаям иккиланяпсанми?

Учинчи зодагон. Биз сен билан. У циркдаги ўринларимизни халқقا берди ва кейин бизларни оғирроқ жазолаш учун плебейлар билан муштлашишга ундали.

Қари зодагон. У қўрқоқ.

Иккинчи зодагон. Сурбет.

Учинчи зодагон. Масхарабоз.

Қари зодагон. У ҳезалак.

Тўртинчи зодагон. Уч йилдан бери!

Гала-ғовур овозлар. Аслаҳалар шақирлайди. Машъалалардан бири қулайди, стол сурилади. Барча эшикка ошиқади. Бироқ шу пайт мутлақо хотиржам Херея киради. У туғёнга келган бу шиддатни тўхтатади.

ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Херея. Қаёққа бунчалар шошяпсиз?

Учинчи зодагон. Саройга.

Херея. Ўзим ҳам шундай дегандим. Сизларни киритади деб ўйлайсизларми?

Биринчи зодагон. Биз рухсат сўраб ўтиromoқчи эмасмиз.

Херея. Бирдан журъатли бўлиб қолибсиз! Менга ҳеч йўқ ўз уйимда ўтиromoққа имкон берарсизлар?

Эшикни ёпишади. Херея суриб ташланган стол ёнига келади ва бир чеккасига ўтиради, қолганлар уни ўраб олишади.

Херея. Бу сизлар ўйлаганчалик осон эмас, дўстларим менинг. Айни дамда сизларни қуршаган қўрқув жасорат ва совуққонликнинг ўрнини босолмайди. Буларнинг барига ҳали вақт бор.

Учинчи зодагон. Агар биз билан бўлмасанг, кетавер, бироқ тилингни тийиб юр.

Херея. Ўйлайманки, мен ҳар ҳолда сизлар биланман. Лекин бошқа сабаб билан.

Учинчи зодагон. Сафсатани бас қил!

Херея (туракан). Ҳа, сафсата етарли. Мен ҳаммаси равшан бўлишини истайман. Агар сизлар билан бўлсан ҳам, азбаройи, бу сизлар учун эмас. Мана, нима учун сизларнинг усулингиз менга бўлмағур туюляпти. Сизлар ҳам ўз рақибингизни чинакамига тушунмабсизлар, илло унга майда-чуйда фикрларни

тиrkаяпсизлар. Унда эса улкан ғоялардан ўзгаси йўқ ва сиз ўз ҳалокатингиз сари ошиқпсиз. Аввало, у қандай бўлса, шундайлигича кўришни ўрганинг, ўшанда у билан яхшироқ кураша оласиз.

Учинчи зодагон. Биз уни қандай бўлса, шундайлигича — мустабид ҳукмдорлар орасида энг қутургани сифатида кўряпмиз!

Херея. Ишонмайман. Тентак императорлар бизда аввал ҳам бўлган. Бироқ у етарлича тентак эмас. У нима истаётганини билгани учун ҳам мен ундан нафратланаман.

Биринчи зодагон. У ҳаммамизни ўлдиришни истайди.

Херея. Йўқ, бу унинг кўшимича мақсади. Унинг қудрати янада юксакроқ ва янада ҳалокатлироқ, даҳшатли ният учун хизмат қиласи. У биз учун ҳаммасидан муҳим бўлган нарсага хавф солмоқда. Албатта, бизда кимдир биринчи бор чексиз ҳокимиятга эга бўлаётгани йўқ, лекин биринчи бор ундан инсон ва дунёни бутунлай инкор этиш учун чексиз фойдаланмоқда. Мана, ундаги нима мени чўчитади ва нима билан курашмоқни истайман. Ҳаётдан ажралиш қўрқинчли эмас, керак пайтда бунинг учун жасоратим етади. Лекин ҳаётимиз маъноси қандай эриб битаётганига, тириклигимиз асосини қандай йўқотаётганимизга қараб туриш — мана бунга чидаб бўлмайди. Асосга эга бўлмай яшаш мумкин эмас.

Биринчи зодагон. Қасос — яшаш учун нечун асос бўлмасин?

Херея. Розиман. Ва бунда сизларга қўшилмоқни истайман. Лекин, шуни билингки, сизларнинг арзимас аразларингга ҳамдард бўлганим учун эмас, илло ғалаба қилса, қиёмат қўпиши муқаррар бўлган улуғ ғоя билан курашмоқ учун шундай қилмоқдаман. Сизларни масхара қилаётгани билан келишишим мумкин, бироқ Калигуланинг орзу-ниятлари, барча орзу-ниятлари рўёбга чиқишига йўл қўёлмайман. У ўз фалсафасини ўликларга татбиқ этмоқда ва бу, баҳтга қарши, рад этиб бўлмас фалсафадир. Эътиrozлар қолмаган пайтда қўлга қурол олинади.

Учинчи зодагон. Демак, ҳаракат қилиш керак.

Херея. Ҳаракат қилиш керак. Лекин сиз ҳозирча куч-қудратга тўла бу жинояткор хукуматни очиқ жангда ағдаролмайсиз. Золим билан курашиш мумкин, бу ёвузликка қарши холисона ёвузлик — хийла ишлатиш лозим. У пишиб етилишга қўмаклашиш, токи унинг мантиғи пуч бўлиб чиққунча кутиш керак. Буларнинг барини шунчаки ростгўйлик юзасидан айтяпман ва яна бир бор қайтараманки, билиб қўйинг, мен сизлар билан вақтинча биргаман холос. Кейин эса мақсадингиз йўлида хизмат қилмайман, менга бор-йўғи дунёда яна аввалгилик қийматга эга бўлгувчи қалб ҳаловатига эришмоқ керак, холос. Ўзим учун ҳеч нарсанинг зарурати йўқ. Мени бошқа нарса — ҳаётимни арзимас нарсага айлантириб қўяётган қўркув, бу ноинсоний туйфулар бўрони қархисидаги тафаккур қўркуви ҳаракатга унданмоқда.

Биринчи зодагон (олдинга чиқиб). Назаримда, мен сени, балки охиригача эмасдиру, лекин тушундим. Бироқ асосийси, сен ҳам худди биз каби жамиятишим асослари қуламоқда, деб ўйлайсан. Ахир энг аввало биз учун маънавият зарур, шундай эмасми? Оила таянчлари ликиллаб қолди, меҳнатга ҳурмат йўқолмоқда, бутун мамлакат шаккоклиkkка юз бурмоқда. Эзгулик бизни ёрдамга чорламоқда, наҳотки унинг овозини эшифтмай, кар бўлиб тураверсак? Дўстлар, наҳотки сиз зодагонларни Цезар ўз кўшки ортидан ҳар кеч югуришга мажбурлашларига йўл қўйсангиз?

Қари зодагон. Уларни “оиймча” деб атасалар ҳам индамайсизларми?

Учинчи зодагон. Хотинларини тортиб олсалар ҳам-а?

Иккинчи зодагон. Болаларини ҳам?

Муций. Пулларини ҳам?

Бешинчи зодагон. Йўқ!

Биринчи зодагон. Херея, яхши айтдинг ва бизни тўхтатиб, тўғри қилдинг. Ҳаракат этмоққа фурсат келмади ҳали: бугун халқ бизга қарши бўларди. Муносиб фурсатни биз билан бирга кутмоққа розимисан?

Херея. Ҳа, Калигулага бундан кейин ҳам ўз йўлидан боришга имкон берамиз. Бунинг устига, уни бадтарроқ ундеймиз. Унинг тентаклигини парваришлаймиз. Кун келиб, бир ўзи мурдалар ва мурдаларнинг қариндошларига тўлган мамлакат билан юзма-юз бўлади.

Барча маъқуллаб, овоз беради. Ташқаридан жарсурнайлар овози эшишилади. Барча жим қолади. “Калигула” исми оғиздан-оғизга ўтиб, эшишилади.

УЧИНЧИ КЎРИНИШ

Геликон ва аскарлар қуршовида Калигула ва Цезония кириб келишади. Калигула тўхтайди ва фитначиларга қарайди. Индамай уларнинг олдидан ўтади, бирининг бош кийимини тўғрилайди, тузукроқ тикилиш учун бошқасининг олдидан нарироқ боради, яна бир бор барига нигоҳ ташлагач, қўли билан қўзини беркитганча бирон сўз айтмай чиқиб кетади.

ТЎРТИНЧИ КЎРИНИШ

Цезония (*тартибсизлик асоратларига ишора қилиб, киноя билан*). Жанг қилдингларми?

Херея. Жанг қилдик.

Цезония (*ўша оҳангда*). Не учун жанг қилдинглар?

Херея. Шунчаки жанг қилдик, холос.

Цезония. Демак, ундей эмас.

Херея. Нима ундей эмас?

Цезония. Сизлар жанг қилмагансизлар.

Херея. Демак, жанг қилмадик.

Цезония (*кулиб*). Яхшиси, бу ерни йиғишириш керак. Калигула тартибсизликка тоқат қилолмайди.

Геликон (*қари зодагонга*). Охир-оқибат унинг жонини чиқарасизлар!

Қари зодагон. Ахир биз унга нима қилдик?

Геликон. Ҳамма гап шундаки, ҳеч нарса. Одам шунақаям жирканч бўладими, ақл бовар қилмайди. Бунга чидаш мушкул бўлиб қолди! Ўзингизни Калигуланинг ўрнига қўйиб кўринг. (Пауза.) Сиз бу ерда, албатта, кичкинагина фитна уюштираётгандингиз. Шундай эмасми?

Қари зодагон. Унданай эмас, ишон менга. Нечун у бундай деб ўйлаяпти?

Геликон. У ўйлаётгани йўқ, аниқ билади. Лекин фаразимча, у бундан ичида оз-моз хурсанд ҳам бўлмоқда. Қани, келинглар, ҳаммаёқни тартибга солайлик.

Барча ыйғиштириш билан машғул бўлади. Калигула киради ва уларни қузата бошлайди.

БЕШИНЧИ КЎРИНИШ

Калигула (*қари зодагонга*). Салом, ойимча! (*Қолганларга*) Херея, сеникида бироз дам олмоққа қарор қилдим. Муций, хотинингни таклиф этмоқни ихтиёр этдим.

Девонбеги қарсак чалади. Қул пайдо бўлади, бироқ Калигула уни тўхтатади.

Калигула. Бир дақиқа! Жаноблар, сизларга маълумки, бу одатга анчадан буён ўрганиб қолганимиз учунгина давлатимизнинг молиявий аҳволи чидаб турибди. Лекин кечадан бошлаб энди ҳатто одатлар ҳам ёрдам бермаяпти. Шунинг учун хизматчиларни қисқартириш каби ўта ачинарли бир заруратга мурожаат этишга мажбур бўлмоқдаман. Шубҳасиз, сиз қадрлай оладиган фидокорлик руҳида мен сарой харажатларини озайтиришга, қуллардан баъзиларини озод қилиб, уларнинг ўрнига сизларни олишга қарор қилдим. Ўриндиқларни қўйиб, дастурхон тузашга киришинг.

Сенаторлар саросимада бир-бирларига қарайдилар.

Геликон. Қани, жаноблар, озгина әзгу ниятингизни намойиш этинг-чи. Бунинг устига, ижтимоий пиллапояда күтарилишдан кўра тушиш осонроқ, бунга амин бўласиз.

Сенаторлар истаб-истамай, ўз жойларини тарк этадилар.

Калигула (*Цезонияга*). Норози қулларни қандай жазолашади?

Цезония. Менимча, қамчи билан уришса керак.

Сенаторлар шошиб қолишади ва уқувсизлик билан столларни қўя бошлишади.

Калигула. Урининг, урининг! Барча ишда асосийси — тартиб. (*Геликонга*) Менимча, улар эпини йўқотганлар.

Геликон. Ростини айтганда, уларда эпнинг ўзи бормиди? Қилич ўйнатиш ёки бўйруқ беришни айтмаса. Сабр қилиш керак, вассалом. Инсонни бир кунда сенатор қилиш мумкин, ишchan ходим эса ўн йилда яралади.

Калигула. Сенаторни ходим қилиш учун эса, қўрқаманки, йигирма йил кетса кераг-ов.

Геликон. Бироқ улар ҳартугул улар ниманидир эплашяпти. Менимча, уларнинг бу ишга иштиёқлари бор. Улар айнан қуллик учун яралганлар.

Сенаторлардан бири юзини артади.

Геликон. Қара, улар терлай бошлишди, бу яхши нарса.

Калигула. Ажойиб! Ҳаддан кўп нарса талаб қилиш керак эмас. Бундан бадтар бўлиши ҳам мумкин эди. Кейин эса адолат учун ўзингга бир дақиқа имконият бериш ҳамиша ёқимлидир. Айтгандай, адолат ҳақида, шошилишимиз лозим — бугун мен яна

қатл этишим ҳам керак. Ҳа, Руфийнинг омади бор экан, бирдан очқаб қолдим. (*Таъкидлаб.*) Руфий — бу ўлиши шарт бўлган чавандоз. (*Пауза.*) Нега энди у ўлиши керак, деб сўрамайсизларми?

Барча жим. Айни пайтда қуллар егулик олиб келишади.

Калигула (*юмшоқлик билан*). Мана, ақлингиз ҳам кириб қолибди. (*Гўшт чайнаб.*) Ва ниҳоят тушундингларки, ўлмоқ учун бирор нарсада айбли бўлмоқ мутлақо шарт эмас. Аскарлар, мен сизлардан розиман. Тўғрими, Геликон? (*Чайнаши бас қилади ва дастурхон атрофидагиларга диққат билан тикилади.*)

Геликон. Албатта! Лашкармисан, лашкар! Бироқ агар фикримни билишни истасанг, энди улар ақлли бўлиб қолишган ва бошқа жанг қилишни ҳам истамайди. Агар янада муваффақиятга эришсалар, салтанат қулайди.

Калигула. Фаройиб. Энди эса дам оламиз. Хоҳлагандай ўтираверинглар, одоб қоидаларини унутамиз. Ҳар тугул ўша Руфийнинг омади бор экан. Ишонтириб айтаманки, у бу кичкинагина кечикишнинг қадрига етмайди. Бу ажални кечиктирган бир неча соат — бундан қимматлироқ не бўлиши мумкин?

У овқатланишга киришади бошқалар ҳам. У ўзини дастурхон атрофида қандай тутишини билмаслиги аён бўлиб қолади. У суюқчаларни ёнида ўтирганларнинг ликобларига иргитмаслиги, чала чайналган гўшт бўлакларини овқатга туфламаслиги, шунингдек, тишларини тирноғи билан ковламаслиги ва шунақаям нафрат билан бошини силкитмаслиги мумкин эди. Устига-устак, у буларнинг барини овқат пайтида ҳеч қандай хижолатсиз қилмоқда эди. Бироқ у туйқусдан овқатланишни бас қилади ва синчков нигоҳини ҳамтовоқларидан бири — Лепидда тўхтатади.

Калигула (кескин). Хафа кўринасан. Бу мен ўғлингни ўлдиришга буюрганим учунми, Лепид?

Лепид (томоғига луқма тиқилиб). Йўғ-е, Гай, аксинча.

Калигула (ҳаяжонда). Аксинча! Юрақда нима бўлаётганини юзинг фош этмаслиги, оҳ. Менга нақадар ёқимлидир. Сенинг юзинг ғамгин. Юрагинг-чи? Аксинча, Лепид, шундай эмасми?

Лепид. (қатъий). Аксинча, Цезар.

Калигула (янада қувониб). Оҳ, Лепид, ҳеч кимни сенчалик севмайман. Кел бирга кулишамиз. Менга бирон қувноқ воқеани гапириб бер.

Лепид. (ўз қучига ортиқча баҳо бериб.) Гай!

Калигула. Хўп, яхши, унда мен айтиб бераман. Бироқ сен куласан, хўпми, Лепид? (Ёвуз нигоҳ.) Ҳеч йўқ иккинчи ўғлинг ҳаққи-хурмати. (Яна қувноқ.) Бунинг устига сен ҳеч нарсадан хафа эмассан-ку. (Бир хўплам ичиб, гапиришга ундаиди.) Ак...Аксин...Қани, Лепид!

Лепид (ҳорғин). Аксинча, Гай

Калигула. Жуда соз. (Ичади.) Энди эса эшит. (Орзулаб.) Оламда ҳеч ким севмайдиган шўрлик бир император яшарди. У эса Лепидни севарди ва бу севгини юрагидан суғуриб ташлаш учун унинг кичик ўғлини ўлдиришни буюрди. (Ўзгарган оҳангда.) Турган гапки, бу нотўғри. Наҳотки, қизиқ бўлмаса? Кулмаяпсанми? Ҳеч ким кулмаяптими? Унда эшитинглар. (Нафратли ғазаб билан.) Мен ҳаммангизнинг қулишингизни истайман. Сен, Лепид ва бошқалар ҳам. Турларинг ва кулларинг. (Мушти билан столни уради.) Эшитяпсизларми, қандай кулишларингни кўрмоқчиман.

*Ҳамма туради. Бу саҳнанинг давомини Калигула ва
Цезониядан бошқа актёрлар худди қўғирчоқлардай ўйнашлари
мумкин.*

Калигула (тўхтовсиз қулиб, ерга қулайди). Йўқ, сен уларга бир қара, Цезония. Ҳеч нарса қолмади-я. Номус, ғурур, азиз ном,

қадим тафаккур — буларнинг бари энди ҳеч нарсага арзимайди. Қўрқув олдида ҳаммаси йўқолади. Ҳа, Цезония, қўрқув — мана юксак туйғу, ҳар турли аралашмаларсиз, тоза ва дахлсиз, қоринга оид унча кўп бўлмаган олижаноб туйғулардан бири. (*У пешонасини қўли билан артади ва ичади. Дўстона.*) Энди бошқа нарса ҳақида гаплашамиз. Херея, негадир жимсан.

Херея. Фақат сен рухсат берсанггина, мен гапираман, Гай.

Калигула. Жуда соз. Унда жим бўл. Мен дўстимиз Муцийни жон қулоғим билан эшитган бўлардим.

Муций (зўрға). Хизматингга тайёрман, Гай.

Калигула. Қани, хотининг ҳақида гапириб бер-чи. Олдин эса уни мана бу ёқقا — менинг чап ёнимга ўтқаз.

Муцийнинг хотини Калигуланинг ёнига келади.

Муций (эсанкираб). Менинг хотиним? Мен уни севаман.

Ҳамма қулади.

Калигула. Тушунаман, тушунаман, дўстгинам. Лекин бу қандай пасткашлик! (*Аёл энди унинг ёнида. У паришонлик билан аёлнинг чап елкасини силайди. Ҳозирча зўрликсиз.*) Айтгандай, ҳали кирганимда сизлар бу ерда нимадируюштираётгандингларми, а? Ҳойнаҳой кичкинагина фитна тузажетгандинглар?

Қари зодагон. Калигула, нималар деяпсан?..

Калигула. Арзимаган гап, чиройлигинам. Кексалик қийилмоғи керак. Буларнинг бари ростдан ҳам арзимаган гап. Сизлар жасорат кўрсатишга қодир эмассизлар. Мен шунчаки яна қандайдир давлат ишларини саранжомлашим кераклигини қўққисдан эслаб қолдим. Лекин аввало табиат томонидан вужудимизга жо этилган енгиб бўлмас эҳтиёжларга хурмат кўрсатамиз. (*Ўрнидан туради ва Муцийнинг хотинини қўшини хонага олиб кириб кетади.*)

ОЛТИНЧИ КҮРИНИШ

Муций туршишга уринади.

Цезония (*назокат билан*). Муций, мана бу ғаройиб майдан яна озгина ичган бўлардим.

Муций итоат билан индамай унга май қуяди. Ҳамма нокулай аҳволда. Ўриндиқлар тичирлайди. Кейинги гаплар бирмунча қовушмайроқ боради.

Цезония. Ҳа, Херея! Ҳозиргина бу ерда нима учун жанг қилганликларингни энди айтиб беролмайсанми?

Херея (*совуқ қилиб*). Ҳаммаси шундан бошландик, азизам Цезония, биз шеърият ўлим келтирувчи бўлиши мумкинми ёки йўқми, дея баҳслашиб қолдик, Цезония. Бағоят қизиқ. Албатта, бунга менинг аёлона ақлим етмайди. Бироқ мени сизларнинг санъатга бўлган иштиёқ туфайли бир-бирингиз билан муштлашишга тайёр эканингиз хайратга солмоқда.

Херея (*ўшандай оҳангда*). Биламан. Бунақа иштиёқда, албатта, шафқатсизликдан бир томчи бўлиши кераклигини Калигула менга айтганди.

Геликон. Севгида эса — жиндеккина зўрликдан.

Цезония (*чайнаб*). Бунда бирмунча ҳақиқат бор. Бошқалар қандай ўйладиди?

Қари зодагон. Калигула — чинакам руҳшунос.

Биринчи зодагон. У мардлик ҳақида жуда жозибали гапирди.

Иккинчи зодагон. У ўзининг барча фикрларини жамлаб, ёзиб бориши лозим. Бу бебаҳо китоб бўларди.

Херея. Бу уни чалғитиши мумкинлигини айтмаганда ҳам. Ахир кўриниб турибдики, у кўнгилхушликларга муштоқ.

Цезония (*еийишида давом этиб*). У бу ҳақда ўйлаб кўрди ва айни дамда улкан бир рисола ёзмоқда, эшитиб хурсанд бўласизлар.

ЕТТИНЧИ КЎРИНИШ

Калигула ва Муцийнинг хотини кирадилар.

Калигула. Муций, сенга хотинингни қайтармоқдаман. У яна сеники. Бироқ узр сўрайман, мен қандайдир фармонлар беришим лозим.

САККИЗИНЧИ КЎРИНИШ

Цезония (*турганича қолган Муцийга*). Биз шубҳа қилмаймизки, Муций, бу рисола энг машҳур асарлардан ҳам ўтиб кетади.

Муций (*Калигула йўқолган эшикка қараб*). У ерда нима гап, Цезония?

Цезония (*бепарво*). О, буни мен тушунмайман.

Херея. Бундан холоса қилиш мумкинки, унда шеъриятни ўлдирувчи кучи ҳақида сўз боради.

Цезония. Айнан шунақага ўхшайди.

Қари зодагон (*қувониб*). Ҳа, нима! Херея айтганидай, бу уни чалғитиши мумкин.

Цезония. Ҳа, гўзалгинам. Лекин қўрқаманки, рисоланинг номи сизларни довдиратиб қўйиши мумкин.

Херея. У қандай номланган?

Цезония. “Шамшир”.

ТЎҚҚИЗИНЧИ КЎРИНИШ

Калигула тез кириб келади.

Калигула. Мени кечиринглар, бироқ давлат ишлари ҳам кутиб турмайды. Девонбеги, сен ғаллахоналарни беркитишни буюрасан. Бу ҳақдаги ҳужжатни ҳозиргина имзоладим. Сен уни хобгоҳдан топасан.

Девонбеги. Бироқ...

Калигула. Эртадан очарчилик бошланади.

Девонбеги. Бироқ ҳалқ норози бўлади.

Калигула (*ўта кескинлик ва аниқлик билан*). Мен эртадан очарчилик бошланади деб айтдим. Очарчилик нима экани ҳаммага аён: бу миллий офат. Миллий офат эртага бошланади... Мен уни қачон хоҳласам, ўшанда тўхтатаман. (*Иштирокчиларга тушунтиради*.) Охир-оқибат озод эканимни исботловчи усулларим унчалик ҳам кўп эмас. Ҳамиша кимнингдир ҳисобига озод бўладилар. Бу ачинарли, бироқ одатий ҳол. (*Муцийга назар ташлайди*.) Мисол учун раشكни олинг ва сиз менинг ҳақ эканимга амин бўласиз. (*Ўйчан*.) Аслида рашқ — бу жуда хунук нарса эса-да! Арзимаган иззат-нафс ва ўта таъсирили тасаввур учун қайғуриш! Сенинг хотининг қандайлигини кўз олдингга келтириш...

Муций муштларини қисади ва нимадир дейишга кезланади.

Калигула (*жуда тезликда*). Қани, дастурхонга, жаноблар! Биз Геликон билан тинимсиз ишлаётганимиз сизга маълумми? Биз ўлим жазоси ҳақидаги муҳтасар рисолани тугалляяпмиз ва сиз бу ҳақдаги фикрларингизни айтиб бергайсиз.

Геликон. Агар сизнинг фикрингизни сўрашгудай бўлса

Калигула. Саховатли бўлайлик, Геликон! Уларга ўзимизнинг кичкинагина сирларимизни оча қолайлик. Шундай қилиб, учинчи бўйим, биринчи боб.

Геликон (*туради ва ифодали қилиб*). “Ўлим жазоси енгиллик ва халоскорлик олиб келади. Бу чора ўз ижроси каби ўз мақсадларида ҳам кенг қамровли, рухлантирувчи ва адолатлидир. Одамлар айбдор бўлганликлари учун ўладилар.

Одамлар Калигуланинг фуқаролари бўлганликлари учун айбдордирлар. Калигуланинг фуқароси эса ҳаммадир. Бундан чиқадики, ҳамма айбдор. Ундан эса ҳамманинг ўлимга маҳкумлиги аён бўлади. Бу вақт ва сабр-бардош талаб этади".

Калигула (*кулиб.*) Не дейсизлар? Сабр, мана бебаҳо кашфиёт! Агар билсангиз, бу сиздаги мени энг кўп ҳайратга солгувчи нарсанинг ўзиdir. Энди эса, жаноблар, сиз озодсиз. Херя барчангизга рухсат беради. Бироқ Цезония қолсин. Лепид ҳам, Октавий ҳам! Яна Мерейя ҳам. Менинг томошагоҳимда ишлар қандай бораётганини сизлар билан муҳокама этишни истардим. Бу мени жудаям ташвишга солмоқда.

*Қолганлар аста-секин кетадилар. Калигула қўзлари билан
Муцийни қузатиб қолади.*

ЎНИНЧИ КЎРИНИШ

Херея. Хизматингга тайёрман, Гай. У ерда нима гап? Ходимлар ёмон ишлашяптими?

Калигула. Эй йўқ, бироқ фойда оз.

Мерейя. Нархларни кўтариш керак.

Калигула. Мерейя, сен жим туриш имкониятини бой бердинг. Сенинг ёшингда бунаقا нарсаларнинг қизиги йўқ ва мен фикрингни сўрамаяпман.

Мерейя. Унда нега мени қолишга буюрдинг?

Калигула. Чунки менга ҳадемай беғараз маслаҳат керак бўлади.

Херея. Агар рухсат берсанг, Гай, ўзимнинг ғаразли маслаҳатимни бераман ва нархларни ўзгартириш шарт эмаслигини айтаман.

Калигула. Тушунаман. Бироқ молиявий ишларимизни ўнглашимиз керак-ку. Мен режамни Цезонияга тушунтирдим, у сизларга баён қилиб беради. Мен эса жуда кўп ичдим ва мени уйқу оляяпти. (*Ётади ва қўзини юмади.*)

Цезония. Ҳаммаси жуда ҳам оддий. Калигула янги орден таъсис этади.

Херея. Боғлиқлик кўрмаяпман.

Цезония. Шунга қарамай, у бор. Бу “Фуқаролик жасорати учун” ордени бўлади. Уни Калигуланинг томошагоҳини кўп зиёрат қилган фуқаролар оладилар.

Херея. Олижаноб фикр.

Цезония. Мен ҳам шундай деб ўйлайман. Айтишини унугибман, бу мукофот кириш чипталари санаб чиқилганидан сўнг ҳар ойда берилади: ўн икки ой давомида бу мукофотни олмаган фуқаро сазойи ёки қатл этилади.

Лепид. Нечун “ёки қатл этилади”?

Цезония. Чунки Калигуланинг айтишича, бунинг аҳамияти йўқ. Муҳими, у танлай олса бас.

Херея. Офарин. Мана энди ғазна тўлади.

Геликон. Асосийси эса, эътибор беринг, қандай юксак маънавиятлилик усули билан. Қолаверса, республикавий давлатларда қилинганидек солиқни саховатпешага тўлаганларидан кўра, яхшиси, оstonада олган маъқул.

Калигула қўзини қия очади ва четда турганча қандайдир шиша чиқариб, ундан ниманидир хўплаётган қария Мерейяга қарайди.

Калигула (ётганча). Нима ичяпсан, Мерейя?

Мерейя. Бу бўғмага қарши, Гай.

Калигула (унинг олдига келади, қолганларни нари туришга мажбурлайди ва ҳидлайди). Йўқ, бу заҳарга қарши дори-ку.

Мерейя. Йўғ-е, Гай. Ҳазиллашяпсан шекилли. Кечалари нафасим қисганидан анчадан бери даволанаман.

Калигула. Демак, заҳарланишдан қўрқасан?

Мерейя. Менинг касалим...

Калигула. Йўқ. Ҳамма нарсани ўз номи билан атаймиз: сен мени заҳарлаб қўяди деб қўрқасан. Мендан шубҳаланасан, мени кузатиб юрасан.

Мерейя. Худолар ҳаққи айтаманки, ундаи эмас!

Калигула. Сен менга ишонмайсан. Ҳамиша мендан эҳтиётланасан.

Мерейя. Гай!

Калигула (*қўпол қилиб*). Жавоб бер. (*Рад этиб бўлмас даражада*) Агар сен радиоғу ичар экансан, бундан келиб чиқадики, сен менга сени заҳарлаш ниятини тиркайабсан.

Мерейя. Ҳа ... яъни ... йўқ.

Калигула. Мени гўё сени заҳарлашга қарор этган дея тахмин қилиб, не йўл билан бўлса-да менинг хоҳиш-иродамга қарши чиқишига уринасан.

Суқунат чўқади. Цезония ва Херея бу гап бошланиши билан саҳна ортига чекинишган; биргина Лепид ҳавотир ила уни тинглайди.

Калигула (*янада изчил мулоҳаза қиласди*). Шундай қилиб, бизда сен қочиб қутулолмайдиган икки жиноят ва унинг муқобили: ё мен сени ўлдиришни истамаганман ва сен мендан, императорингдан нотўғри шубҳаланяпсан. Ёки мен истаганману сен, қари така, менинг режамга қаршилик қиляпсан. (*Пауза. Калигула қарияга қониқиши билан қарайди*.) Хўш, Мерейя, бу фикрим қалай?

Мерейя. У... У бенуқсон, Гай. Лекин менинг ҳолатимга тўғри келмайди.

Калигула. Ва учинчи жиноят: сен мени телба деб ўйлаяпсан. Энди эшит. Мана шу уч жиноятдан бири, яъни иккинчиси сен учун шарафлидир. Бунақада сен тез орада мени қанақадир қарор қабул қилди, дея тахмин қиласан ва унга қаршилик қўрсатасан, демак, исёнчисан. Сен қўзғолон йўлбошчисан, инқилобчисан. Бу жуда яхши. (*Гамгин*.) Мен сени жудаям яхши кўраман, Мерейя.

Шул боис қолғанлари учун әмас, иккинчи жиноятынг учун суд қилинасан. Исөнчилигинг учун эркакларга хос ўлим топасан.

Бу гап давомида Мерейя ўз ўриндиғига тобора чўкиб бораверади.

Калигула. Ташаккур билдирма менга. Бу табиий бир ҳол. Ол. (Унга шишани узатади ва илтифот ила таклиф этади.) Шу заҳарни ичақол.

Мерейя хўнграшдан титрайди ва најжотсизларча бош силкийди.

Калигула (*сабри тугаб*). Қани, тезроқ.

Мерейя қочишига уринади. Калигула худди шер мисол бир сакрашдаёқ саҳнанинг ўртасида унга етиб олади, пастак ўриндиққа ташлайди ва бир неча сониялик олишувдан сўнг шишани унинг тишлари орасига тиқади ва мушт билан шишани синдиради. Мерейя талваса ичидаги титраб, жон таслим қиласади: унинг юзи қўзёш ва қонга бўялган.

Калигула (*Мерейя ўзи билан олиб юрган шишанинг синигини Цезонияга узатиб*). Бу нима ўзи? Раддиоғуми?

Цезония (*хотиржам*). Йўқ, Калигула. Бўғмага қарши дори.

Калигула (*Мерейяга қараб, жим тургач*). Баривир. Нима фарқи бор? Сал олдину сал кейин...

Кўлларини тўхтовсиз артиб, ташвишли бир қиёфада қўйқисдан чиқиб кетади.

ЎН БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Лепид (*мутлақо ҳорғин*). Энди нима қиласиз?

Цезония (*шунчаки*). Аввало жасадни йўқотиш керак деб ўйлайман. У жуда хунук турибди!

Херея ва Лепид жасадни кўтариб, саҳна ортига олиб ўтишаркан,

Лепид (*Хереяга*). Шошилиш керак.

Херея. Икки юз кишича бўлишимиз лозим.

Сципион киради. Цезонияни кўриб, чиқиб кетмоқчи бўлади.

ЎН ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Цезония. Буёққа кел.

Сципион. Сенга нима керак?

Цезония. Яқинроқ кел. (*Унинг ёқасидан олади ва қўзларига қарайди. Пауза. Совуқ қилиб.*) У отангни ўлдирдими?

Сципион. Ха.

Цезония. Уни ёмон кўрасанми?

Сципион. Ха.

Цезония. Уни ўлдиришни истайсанми?

Сципион. Ха.

Цезония (*уни бўшатиб*). Унда нима учун буни менга айтяпсан?

Сципион. Чунки мен ҳеч кимдан қўрқмайман. Уни ўлдиришим ёки ўзимнинг қурбон бўлишим — бу фақатгина барчасига барҳам беришнинг турли усуллари холос. Иннанкейин, сен мени сотмайсан.

Цезония. Сен ҳақсан, мен сени сотмайман. Бироқ сенга бир нарса айтмоқчиман — тўғрироғи, сендаги мавжуд яхши нарсалар билан суҳбатлашишни истардим.

Сципион. Мендаги яхши нарса — менинг нафратим.

Цезония. Нима бўлгандаям, мени эшишиб қўй. Ҳозир мен сенга айтмоқчи бўлганим, бир вақтнинг ўзида ҳам ақл бовар қилмас, ҳам аниқ-равshan нарсадир. Лекин бу сўзни чинакамига

tinglaganida эди, бу дунёни бутунлай ўзгартириб юборишга қодир ўшал бирдан-бир инқилобни амалга оширган бўларди.

Сципион. Унда айтақол.

Цезония. Шошилма. Аввало отангнинг тилини суғуриб олаётганларида унинг оғриқдан буришган юзини эсга ол. Ўша қонга тўлган оғиз, ўша тилка-пора қилинаётган ҳайвон қичқириғидай қичқириқни ўйлаб кўр.

Сципион. Ҳа.

Цезония. Энди Калигула ҳақида ўйла.

Сципион (*борки нафратини овозга бериб*). Ҳа.

Цезония. Энди эса қулоқ сол: уни тушунишга ҳаракат қил.
(Сципионни эсанкираган ҳолда қолдириб, чиқиб кетади.)

Геликон киради.

ЎН УЧИНЧИ КЎРИНИШ

Геликон. Калигула шу ёққа келяпти. Шоир, сиз тушлик қилмоқчи эмасмисиз?

Сципион. Геликон! Менга ёрдам бер.

Геликон. Бу ҳавфсиз эмас-да, жонгинам. Унинг устига мен шеъриятда ҳеч нарсани тушунмайман.

Сципион. Сен менга ёрдам бера оласан. Сен шунчалар кўп биласанки.

Геликон. Мен кунлар ўтаётгани ва овқатланишга шошилиш кераклигини биламан. Яна шуни биламанки, сен Калигулани ўлдира олишинг мумкин эди ва у ҳам бунга қаршилик қилмаган бўларди.

Калигула киради. Геликон кетади.

ЎН ТЎРТИНЧИ КЎРИНИШ

Калигула. Э, бу сен-ку. (*Ўзини қандай тутишни билмай, иккиланиб тўхтайди.*) Сени анчадан бери кўрмагандим. (*Секинаста у томон юради.*) Нималар қиляпсан? Ёзишни ташламадингми? Менга сўнгги ёзган битикларингни кўрсатасанми?

Сципион (*у ҳам ўзидан айрилган: уни нафрат ва яна қанақадир бошқа, унинг ўзига ҳам тушунарсиз бўлган туйғу ўзаро талашадилар*). Мен бир неча шеърлар ёздим, цезар.

Калигула. Нима ҳақида?

Сципион. Билмадим, цезар. Балки табиат ҳақидадир.

Калигула (*эркинроқ*). Ажойиб мавзу. Қамровли. Табиат сенга не инъом этмоқда?

Сципион (*ўзини қўлга олиб, истеҳзо ва алам билан*). У мени цезар бўла олмаганим учун овутади.

Калигула. Ҳм-м! Сенингча қандай, у мени цезар бўла олганим учун овutiшга ярармикин?

Сципион (*ўша оҳангда*). Унинг янада чуқурроқ жароҳатларини ҳам даволай олиши ҳаққи рост-ку.

Калигула (*ҳайратланарли даражада жўн*) Жароҳатлар? Сен буни алам билан айтдинг. Бу отангни ўлдирганим учунми? Аммо бу нақадар аниқ сўз эканини билсанг эди. Жароҳат! (*Бошқа оҳангда*) Фақат нафратгина кишиларни ақллироқ қилади.

Сципион (*совуқ овозда*). Мен табиат ҳақидаги саволингга жавоб бердим.

Калигула ўтиради, Сципионга қарайди, кейин туйқус унинг қўлидан тутади ва куч билан ўзига тортиб, оёқлари остига ўтқазади. Унинг юзини кафтлари билан қисади.

Калигула. Менга ўз шеърингни ўқиб бер.

Сципион. Йўқ, цезар, ўтинаман.

Калигула. Нечун?

Сципион. Ёнимда эмас.

Калигула. Уни ёддан билмайсанми?

Сципион. Йўқ.

Калигула. Ҳеч йўқ у нима ҳақда эканини айт.

Сципион (*ўшандай зўриқиб ва гўё хоҳламай*). Мен унда айтганманки...

Калигула. Хўш?

Сципион. Йўқ, эслолмайман...

Калигула. Уриниб кўр...

Сципион. Мен хуфёна келишув ҳақида айтганманки, ер...

Калигула (*худди ўз фикрларига шўнғигандай, гапини бўлади*)... ер ва товоналар аро...

Сципион (*унинг боши қотади: шубҳаланиб давом этади*). Ҳа, эҳтимол шундай...

Калигула. Давом эт.

Сципион... ва Рим тепаликларининг кўринишлари ҳақида ва ўз ортидан кечани олиб келувни ўша қисқа ва зирқиратувчи хотиржамлик борасида...

Калигула... ва кўм-кўк осмондаги жарқалдирғочларнинг қичқириғи ҳақида...

Сципион (*аста-секин эриб*). Ҳа, бу ҳақда ҳам.

Калигула. Кейин.

Сципион. Ва туйкус қайрилиб, ўзининг жимиirlаётган юлдузлар экилган нариги томонини очувчи осмон ҳали тилда рангда бўлган ўшал майин лаҳза ҳақида.

Калигула. Замин у пайт тунга пешвоз чиқаргувчи тутун, дарахтлар ва дарёнинг ўшал бўйи ҳақида...

Сципион (*жазавада*)...чирилдоқлар чириллайди, қундузги жазира мааси пасаяди, итлар, кечиккан араваларнинг ғичирлаши, дехқонларнинг овозлари...

Калигула... Ва йўллар шамшод ва зайдунлар остида сояларга бурканади...

Сципион. Ҳа, ҳа, ҳаммаси тўғри! Бироқ сен нечун фаҳмлаб қолдинг?

Калигула (*Сципионни ўзига тортиб*). Билмадим. Балки бизларга бу ва бошқа ҳақиқатлар бирдай қадрли бўлгани учундир.

Сципион (*сесканиб кетади ва юзини Калигуланинг қўксига беркитади*). Оҳ, агар мен ҳар ёнда фақат биргина муҳаббатнинг чехрасини кўрар эканман, барибир эмасми?

Калигула (*унинг бошини силаб*). Бу буюк қалбларга хосдир, Сципион! Агар менга қалбнинг шундай тиниқлигини англаш берилганда эди! Лекин ҳаётга қанчалар ташна эканимни жуда яхши биламан, табиат уни босолмайди. Сен буни тушунолмайсан. Бошқа оламдансан. Мен ёвузылкка, сен эса бус-бутун эзгуликка дохилсан.

Сципион. Мен тушуна оламан.

Калигула. Йўқ. Менинг вужудимда унсиз гирдобга, ириётган сув ўтларига ўхшаш нимадир... (*Туйкус ўзгарган овоз билан*.) Шеъринг гўзалдир балки. Бироқ агар фикримни билмоқчи бўлсанг...

Сципион (*ўша туришида*). Ҳа.

Калигула. Буларнинг бари қон камлигидан азобланади.

Сципион кескин ортига сакрайди ва даҳшат билан Калигулага қарайди. У Калигуладан янада узоқроқча чекинаркан, зўриқкан бир холатда унга қарай-қарай, паст овозда гапиради.

Сципион. О маҳлуқ, жирканч маҳлуқ! Сен яна майнавозчилик қилдинг, а? Энди ўзингдан мамнуунмисан?

Калигула (*енгил қайғу билан*). Сен айтаётган гапларда ҳақиқат бор. Мен майнавозчилик қилдим.

Сципион (*ўша оҳангда*). Юрагинг ҳойнаҳой нақадар қабиҳ қа қонхўр бўлса керак. Шунчалар алам ва нафрат — улар сени ҳойнаҳой тилка-пора қилаётгандир!

Калигула (*юмшоқлик билан*). Етар, жим бўл!

Сципион. Сенга қанчалар раҳмим келади ва қанчалар нафратланаман!

Калигула (*ғазаб билан*). Жим бўл!

Сципион. Сен ҳойна-ҳой нақадар бир жирканч танҳоликда яшаётган бўлсанг керак!

Калигула (*гўё портлаб, унга ташланади, ёқасидан олиб, силтайди*). Танҳолик! Сен уни тотиб кўрганмидинг! Шоирлар ва мажмағиллар ёлғизлиги. Ёлғизлик? Қандай? Сен одам ҳеч қачон ёлғиз қолмаслигини билмайсан! Келажак ва ўтмишнинг борки юки ҳар ерда биз биландир! Ўлдирган кишиларимиз ҳам биз билан. Бу ҳали яна энг қийини эмас. Бироқ ўша биз севган кишилар, севмаган кишилар ва бизни севганлар, пушаймонлик, истак, талх ва мулойимлик, бузуқлар ва худоларнинг барча тўдаси. (*Уни қўйиб юборади ва ўз жойига қайтади*.) Ёлғиз қолиш! О, агар мен фақат ёлғизликка, бироқ ўзгалар иштироки билан заҳарланган меникига ўхшаш эмас, чинакам сокинлик ва дараҳт титроғига ғарқ бўла олганимда эди! (*Туйқус чулғаб олган ҳорғинлик ила ўтиради*.) Ёлғизлик! Йўқ, Сципион. У алам аччиғида ёриб ташланган ва тинган товуш ва овозлар ила мудом жаранглайди. У мен эркалаган аёллардан қабиҳроқ, бизни тун

чирмаб олганда ва мен ниҳоят тўйинган танамдан ажралиб, ҳаёт ва мамот орасида ҳеч йўқ озгина эса-да ўзим билан қолишни умид қиласман, менинг ёлғизлигим ёнимда пинакка кетган аёлларнинг қўлтиғи остида то четларигача ҳузурнинг аччиқ бўйлари билан тўлади.

У гўё бўғилиб қолгандай. Узоқ жисмлик.

Сципион Калигуланинг ортидан келиб, ишонқирамай унга яқинлашади. Қўлини Калигулага чўзиб, унинг елкасига қўяди. Калигула ўғирилмасдан, унинг қўли устига қўлини босади.

Сципион. Ҳар бир одамнинг ҳаётда қанақадир овунчоғи бор. У баридан воз кечишга имкон бермайди. Ҳолдан тойган онда уни ёрдамга чақирадилар.

Калигула. Бу тўғри, Сципион,

Сципион. Наҳотки, ҳаётингда ундей нарса йўқ? Кўз ёшларнинг тошмоғи, сокин бир гўша?

Калигула. Бор шекилли.

Сципион. У нима экан?

Калигула (секин). Нафрат.

ПАРДА

УЧИНЧИ САҲНА

БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Парда ортидан барабан ва ликобларнинг овози эшишилади.

*Ярмаркавий бозор тўполонга ўхшаш манзарани намойиш эта,
парда кўтарилади. Марказда тортилган пардача: унинг олдидағи
унча катта бўлмаган сўрида Геликон ва Цезония. Уларнинг икки
тарафида ҳам асбоблари ила машишоқлар туришибди.
Ўриндиқларида томошабинларга орқа қилиб бир неча сенаторлар
ва Сципион ўтиришади.*

Геликон (жарчининг чорлов овозида). Кеп қолинг! Кеп қолинг!

Ликобчалар.

*Худолар яна ерга тушдилар. Гай, Калигула исми ила маълум
бўлган цезар ва тангри, уларга ўзининг инсоний қиёфасини
вақтинча инъом этди. Кеп қолинг, ожиз бандалар, сизларнинг кўз
ўнгингизда илоҳий мўъжиза рўй бермоқда. Калигуланинг худо
марҳамат қилган подшолик даврига айрича илтифот ила
самовий асрорлар барчангиз ва ҳар бирингизга аён бўлғай.*

Ликобчалар.

Цезония. Кеп қолинг, жаноблар! Таъзим этинглар ва
курбингиз етганча тўлов тўланглар. Бугун самовий томошага
ҳамманинг пули етади.

Ликобчалар.

Геликон. Олими ва унинг саҳна ортидаги ҳаёти, унинг
фитналари ва кўз ёшлари, унинг уйдагидек bemalol яшовчилари.
Кеп қолинг! Кеп қолинг! Худоларингиз ҳақидаги борки ҳақиқат!

Ликобчалар.

Цезония. Таъзим этинг ва пулни тўланглар. Кеп қолинг, жаноблар! Томоша бошланади.

Ликобчалар. Қуллар сўрига турли нарсаларни олиб чиқишиб, орқа-олдига югурладилар.

Геликон. Ҳақиқатнинг ilk бор қўлланилаётган ҳайратомуз қайта тикланиши. Самовий кучлар шу ерда, заминда, ўзларининг борки улуғворликлари ила кўринадилар, қизиқарли, мисли кўрилмаган томоша: чақмоқ (*қуллар юнон оловини ёқадилар, момақалдироқ тош солинган бочкани юмалатадилар*), тақдири азал ўзининг тантанали юриши ила! Кеп қолинг ва томоша қилинг!

Ортидаги супада Венеранинг масҳарабозона қиёфасида кийинган Калигула қўрингувчи пардачани тортади.

Калигула (илтифот ила) Бугун мен Венераман.

Цезония. Таъзим маросими бошланади. Тиз чўкинг. (*Сизипиондан ташқари барча тиз чўқади.*) Ва менинг ортимдан Калигула-Венерага бағишланган илоҳий дуони қайтаринг: мотам ва рақс маъбудаси...

Зодагонлар. ... мотам ва рақс маъбудаси...

Цезония. Тўлқинлардан туғилган, денгиз тузлари ва кўпиклари боис ўта ёпишқоқ ва аччиқ...

Зодагонлар. Тўлқинлардан туғилган, денгиз тузлари ва кўпиклари боис ўта ёпишқоқ ва аччиқ...

Цезония. Сен, табассум ва надоматга...

Зодагонлар. Сен, табассум ва надоматга...

Цезония. Ранж ва завққа қиёс...

Зодагонлар. Ранж ва завққа қиёс...

Цезония. Бизни муҳаббатни дунёга келтирувчи
бепарволикка ўргат...

Зодагонлар. Бизни муҳаббатни дунёга келтирувчи
бепарволикка ўргат.

Цезония. Бизни бу дунёнинг, унда у йўқ, дея хабар этган
ҳақиқатига ўргат...

Зодагонлар. Бизни бу дунёнинг, унда у йўқ, дея хабар этган
ҳақиқатига ўргат...

Цезония. Ва бизга тенги йўқ бу ҳақиқатни муносиб яшамоқ
учун кучларингни йўлла...

Зодагонлар. Ва бизга тенги йўқ бу ҳақиқатни муносиб
яшамоқ учун кучларингни йўлла...

Цезония. Тўхтам!

Зодагонлар. Тўхтам!

Цезония (*давом этиб*). Бизни ўз инъомларинг ила қўмиб
ташла, юзларимизни ўзингнинг холис шафқатсизлигинг,
кутилмаган нафратинг ила қоплаб ол, бизнинг кўзларимизга
ҳовуч-ҳовучлаб гуллар ва қотилликларни от.

Зодагонлар. ... ҳовуч-ҳовучлаб гуллар ва қотилликларни от.

Цезония. Ўзингнинг адашган сарҳушликларингни қабул эт.
Уларни лоқайд ва азобли муҳаббатингнинг қаҳрли маконига
кирит. Бизларни ўзингнинг вужудсиз эҳтиросларинг ила,
сабабсиз қайғуларинг ва истиқболсиз қувончларинг ила бўлиб
юбор.

Зодагонлар. ...истиқболсиз қувончларинг ила бўлиб юбор.

Цезония (*жуда баланд овозда*). О, сен, тушкунликка маҳкум
ва куйдиргувчи, ноинсоний, лекин заминий, бизларни ўзингнинг
лоқайдлик шаробинг ила қондир ва ўзингнинг зулматли ҳамда
ифлос юрагингга абадий беркит.

Зодагонлар. ... бизларни ўзингнинг лоқайдлик шаробинг ила
қондир ва ўзингнинг зулматли ҳамда ифлос юрагингга абадий
беркит.

Зодагонлар охирги жумлани тугаллаётган пайтда, то унгача қимир этмаган Калигула қаттиқ пишқиради ва жарангдор овозда эзлон қиласы.

Калигула. Ҳаққи рост, болаларим, дуоларингиз ижобат бўлғувси.

Сўрида чордана қуриб ўтиради. Зодагонлар бирин-кетин унинг қаршиисида тиз чўкишади ва танга узатишади: кейин чиқиб кетишдан олдин саҳнанинг ўнг бурчагида тўпланишади. Уларнинг охиргиси саросимада танга беришни унутади ва ўрнидан туриб чекинади. Бироқ Калигула шиддат билан оёққа туради.

Калигула. Ҳей! Ҳей! Буёққа кел-чи, болакай. Таъзим этмоқ — бу яхши, лекин пул бермоқ — янада яхшироқ. Раҳмат. Мана бўлди. Агар худолар бандаларнинг севгисидан ўзга хазиналарга эга бўлмаганларида эди, улар ҳам худди бечора Калигула каби қашшоқ бўлур эдилар. Энди эса, жаноблар, сизлар тарқалишингиз ва ўзларингиз иштирок этиш шарафига мұяссар бўлган ҳайратомуз мўъжиза ҳақида бутун шаҳарга хабар беришингиз мумкин. Сиз ўз танангиздаги қора чўғларингиз или Венерани кўрдингиз, ўз номи билан кўрдингиз ва Венера сизлар билан гаплашди. Боринглар, жаноблар. (Зодагонлар кетмоққа шайланишади.) Бир дақиқа! Чап эшик орқали чиқинглар. Ўнгдагига аскарлар қўйғанман ва уларга сизларни ўлдириш буюрилган.

Зодагонлар шоша-пиша тартибсиз равишда чиқиб кетадилар. Қуллар ва мусиқачилар саҳнадан ғойиб бўлишади.

ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Геликон Сципионга бармоғини нўқиб, дўқ уради.

Геликон. Сен ҳали бебош ҳаммисан, Сципион!

Сципион. Сен шаккоклик қилдинг, Гай.

Геликон. Бу нима дегани экан?

Сципион. Сен ерни қонга тўлдирдинг, энди эса осмонни ифлослик ила бўлғаяпсан.

Геликон. Бу йигитча баландпарвоз сўзларни яхши кўради.
(Тахтакаравотга чўзилади.)

Цезония (жуда хотиржам). Қанчалар қизиқонсан, болакай. Айни дақиқада Римдаги кишилар чиройли сўзлилиқдан анчайин мундайроқ иборалар учун жон бермоқдалар.

Сципион. Мен Гайга ҳақиқатни айтишга қарор қилдим.

Цезония. Нима қипти, Калигула, сенинг подшоҳлигингда айни шу олийжаноб қаҳрамон-насиҳатгўй етишмаётган эди.

Калигула (қизиқиб.) Демак, сен худоларга ишонасанми, Сципион?

Сципион. Йўқ.

Калигула. Унда шаккокларни нима учун бунчалар қизгин қоралаётганингни тушунмаяпман.

Сципион. Мен қанқадир тушунчалар билан келишолмаслигим мумкин, аммо бу уларни йўққа чиқаришим ёки ўзгалардан уларга эга бўлиш ҳуқуқини тортиб олишим шарт деганим эмас-да.

Калигула. Мана бу камтаринлик, ҳақиқий камтарлик деб аталади! Оҳ, азизим Сципион, сен учун қандай шодман. Биласанми, озгина ҳасад ҳам қиляпман. Ахир бу, эҳтимол менда хеч қачон бўлмайдиган бирдан бир хислат-ку.

Сципион. Сен менга эмас, худоларнинг ўзига ҳасад қиляпсан.

Калигула. Агар изн берсанг, бу подшоҳлигимнинг буюк асрори бўлиб қолади. Бугун мендан нима гина қилиш мумкин қилиш бўлса, барчаси — бу менинг қудрат ва эрк йўлига яна бироз сурила олганимдандир. Ҳокимиятни севган одамни худоларнинг рақобати инжитади. Мен уларни тутатдим. Бу сохта худоларга, агар одам эркли бўлса, уларнинг аянчли ҳунарларини

ҳеч қандай тайёргарликсиз бемалол уddyalай олишини исботладим.

Сципион. Шунинг ўзи шаккоклиқдир, Гай.

Калигула. Йўқ, Сципион, бу олдинни кўра олишлиқдир. Мен шунчаки худолар билан беллашишнинг фақат бир усули борлигини тушундим, холос: бунда улардай шафқатсиз бўлишнинг ўзи етарли.

Сципион. Мустабид бўлишнинг ўзи етарли.

Калигула. Нима ўзи ўша мустабидлик?

Сципион. Сўқир қалб.

Калигула. Буни ҳали исботлаш керак, Сципион. Мустабид бу ўз ғоялари ва шуҳратпарастлиги йўлида бутун бир халқларни қурбон этувчи зотдир. Менда ғоялар йўқ, шон-шуҳрат ва ҳокимият масаласида эса, энди ортиқча уринишимга ҳожат сезмайман. Мен ҳокимиятдан ўзимни тақдирлаш учун фойдаланаман.

Сципион. Нима учун?

Калигула. Худоларнинг бефаҳмлиги ва адovati учун.

Сципион. Адоват адovatни тақдирлай олмайди. Ҳокимият бунақа масалаларни ҳал этмайди. Мен дунё адovatлariга қарши тура оловчи фақат бир воситани биламан.

Калигула. Қандай восита?

Сципион. Камбағаллик.

Калигула (*оёқларидағи тирноқларини олиб*). Уни ҳам синааб кўришга тўғри келади.

Сципион. Ҳозирча эса атрофингдаги кўплаб кишилар жон бермоқдалар.

Калигула. Аслида мутақо оз микдорда, Сципион. Менинг қанча урушлардан бош тортганимни биласанми?

Сципион. Йўқ.

Калигула. Учтасидан. Нима учун бош тортганимни биласанми?

Сципион. Чунки сен Римнинг улуғворлигига тупурасан.

Калигула. Йўқ, чунки мен инсон ҳаётини ҳурмат қиласман.

Сципион. Мени масхара қиляпсан, Гай.

Калигула. Ёки ҳеч бўлмаганда мен уни императорнинг ғалаба тожидан кўра кўпроқ ҳурмат қиласман. Рост, ўзгалар ҳаётини ўз шахсий ҳаётимдан кўра ортиқ ҳурмат қилмайман. Ва агар менга ўлдирмоқ осон экан, шунингдек, ўлмоқ ҳам қийин эмас. Йўқ, бу ҳақда қанча кўп мулоҳаза қилсам, ўзимнинг мустабид эмаслигимга шунча кўп амин бўламан.

Сципион. Нима фарқи бор, сен мустабид бўлганингда ҳам, бу бизга қимматга тушмасди.

Калигула (*сабри тугай бошлайди*). Агар сен ҳисоблашни билганингда эди, токи соғлом фикрли мустабид томонидан қўзғалган энг арзимас уруш ҳам сизларга менинг инжиқликларимдан минг бора қимматроқ тушмоғига фаросатинг етган бўларди.

Сципион. Лекин у соғлом ақлга тўғри келган бўларди. Асосийси эса — буни тушунмоқ мумкин эди.

Калигула. Тақдирни тушунмоқ мумкин эмас, мана нима учун мен тақдирнинг ўрнини эгаллашга қарор қилдим. Мен худоларнинг бераҳм ва этиш мумкин бўлмаган қиёфасига кирдим. Бунга сенинг яқингинадаги ўртоқларинг эндиғина таъзим этмоқни ўрганишди.

Сципион. Шунинг ўзи шаккоклик, Гай.

Калигула. Йўқ, Сципион, бу эҳтиросли санъат. Бу кишиларнинг хатолари шундан иборатки, улар театрга етарлича ишонмайдилар. Акс ҳолда улар самовий фожеаларни ижро этиш ва худога айланиш ҳар бирлари учун имконли эканини билган бўлардилар. Фақат юракдан ҳар қандай шафқатни суғуриб ташлаш керак холос.

Сципион. Эҳтимол шундайдир, Гай! Бироқ агар бу ҳақиқат бўлса, унда, ўйлайманки, сен бир кун келиб атрофингда сонсаноқсиз шундайин бераҳм худолар оёққа туриши ва бир соатдаёқ шахсий илоҳлигингни қонга бўқтириши учун зарур бўлган ҳамма нарсани қилдинг.

Цезония. Сципион!

Калигула (*лўнда ва кескин*). Қўявер, Цезония. Қанчалар рост айтганингни ўзинг ҳам билмайсан. Сципион: мен барча зарур нарсаларни қилдим. Сен айтаётган ўша онни қийинчилик билан тасаввур этаман. Бироқ баъзан уни орзулайман. Ва аччиқ бу тун қаъридан чиқаётган барча юзларда, уларнинг нафрат ва хавотир бежаган суратларида, чиндан ҳам мен бу заминда сифинган ўшал ёлғиз худони завқ-шавқ ила танийман: худди инсон юраги каби аянчли ва разил худони. (*Титраб*.) Энди эса кет. Сен шундай ҳам кўп нарса айтдинг. (*Бошқа оҳангда*.) Мен эса ҳали оёғимнинг тирноқларини бўяшим керак. Буни кечиктириб бўлмайдии.

*Берилиб тирноқларини бўяётган Калигуланинг атрофида
кезинган Геликондан бошқа ҳамма кетади.*

УЧИНЧИ ҚЎРИНИШ

Калигула. Геликон!

Геликон. Нима?

Калигула. Ишинг юришяптими?

Геликон. Қанақа иш?

Калигула. Бу қанақаси! Ой-чи!

Геликон. Аста-секин юришяпти, фақат сабр этмоқ лозим. Лекин сен билан гаплашиб олишни истардим.

Калигула. Сабрим балки етар-куя, бироқ вақт етмайди. Шошилиш керак, Геликон.

Геликон. Мен сенга ҳаракат қиласман, деб айтдим-ку. Лекин аввал сенга муҳим нарсаларни етказишим керак.

Калигула (*гўё эшишмагандай*). Бир тасаввур қил-а, у менини бўлган эди.

Геликон. Ким?

Калигула. Ой.

Геликон. Ҳа-я, албатта. Ҳаётингга суиқасд тайёрланаётганини биласанми?

Калигула. У бутунлай меники бўлган эди. Рост, фақат икки ёки уч марта, бироқ ҳартугул меники бўлган эди.

Геликон. Мен анчадан буён сен билан гаплашиб олмоққа уринаман.

Калигула. Бу ўтган ёзда бўлган эди. Мен унга термулиб, боғ қаторлари аро эркалардим, ва ниҳоят, у тушунди.

Геликон. Бу ўйинларни қўяйлик, Гай. Майли, мени эшитишни истамассан, барибир, айтиб қўйиш — бурчим. Агар эътибор қилмасанг, баттар бўлади.

Калигула (*оёқ тирноқларини ҳафсала билан бўяшда давом этиб*). Бу лок ҳеч нарсага ярамайди. Ҳа, майли, ойга қайтайлик. Бу мўъжизакор август оқшомида рўй берган эди. (*Геликон афсус билан ортига ўгириласди ва ўрнида қотиб, жисм бўлади.*) Биринчи бўлиб, у оз-моз қиқирлади. Мен эса ётгандим. Аввалига у мутлақо қонли бўлиб, шундоққина уфқ устида турарди. Кейин тобора тезроқ кўтарила бошлади ва тобора енгиллашиб бораверди. У қанча юқори кўтарилгани сари шунча ойдинлашарди. У зулматдаги жилваланаётган юлдузларга тўла оқ-суртранг кўлга ўхшарди. Ваниҳоят у туннинг қайноқ нафасида мулойим, енгил ва қип ялангоч пайдо бўлди. У хобгоҳ остонасидан ўтиб, шошмасдан ва ишонч ила менинг тўшагимга яқинлашди ҳамда мени ўзининг табассуму жилваларига чулғаб, унга ўрнашиб олди. Бу лок мутлақо ҳеч нарсага ярамайди. Мана, кўрдингми, Геликон, мен мақтанмасдан ҳам, у меники бўлганини айта олишим мумкин.

Геликон. Мени эшитишни ва сенга нима хавф solaётганини билишни истайсанми?

Калигула (*тирноқларини бўяшни тўхтатади ва унга қаттиқ тикилади*). Мен фақат ойни истайман, Геликон. Ўлим қаердан келишини олдиндан биламан. Лекин ҳали ўзимни яшашга мажбур этаётган нарсаларнинг барини батамом тугатганимча йўқ. Шунинг учун мен ойни истайман. Токи уни қўлга киритмас экансан, бу ерга келмагин.

Геликон. Начора, мен ўз бурчимни бажараман ва сенга айтишим шарт бўлган нарсани айтаман. Сенга қарши фитна

тузилган. Унинг бошида Херея турибди. Мен қўлга туширишга эришган мана бу қоғоз¹дан энг асосийсини билиб олишинг мумкин. Мен уни мана бу ёқقا қўйяпман.

Геликон қоғозни оромкурсига қўяди ва эшикка юради.

Калигула. Қаёққа, Геликон?

Геликон (остонадан). Ойни излагани.

ТЎРТИНЧИ КЎРИНИШ

Бошқа эшикдан кимдир мўралайди. Калигула кескин ўгирилади ва қари зодагонни пайқади.

Қари зодагон (қатъиятсизлик билан). Мумкинми, Гай?

Калигула (сабрсизлик билан). Майли, кир. (Унга қараб.) Демак, биз Венерага яна бир бор назар ташламоқ учун келдикими, гўзалгинам!

Қари зодагон. Йўқ, гап бунда эмас. Тсс!.. О, кечир, Гай... Мен айтмоқчийдимки... Биласан-ку, сени қанчалар яхши қўраман... Ундан кейин биргина нарсани ўтинаман — бу қолган умримни хотиржам яшаш...

Калигула. Қисқароқ! Қисқароқ!

Қари зодагон. Ҳа, яхши. Хўй-ўш... (Бидирлаб.) Бу жуда жиддий, бор гап шу.

Калигула. Йўқ, бу унчалар жиддий эмас.

Қари зодагон. Нима жиддий эмас, Гай?

Калигула. Ўзи биз нима ҳақда гаплашяпмиз, қувончгинам?

Қари зодагон (аланглаб). Шу ҳақидаки... (каловланади ва ниҳоят бидирлайди.) Сенга қарши фитна...

¹ Бу ерда русча “Табличка” сўзи ишилатилади ва у қадимги римликлар ёзии учун ишилатган таҳта ёки мумдан ясалган таппакни англатади. Биз унинг ўрнида замондоишларимизга тушунарли бўлиши учун “қоғоз” сўзини ишилатдик.

Калигула. Ана кўрдингми, мен ахир бу бутунлай ножиддий демагандим.

Қари зодагон. Гай, сени ўлдирмоқни истайдилар.

Калигула (унинг олдига келади ва елкасидан олади). Сенга нима учун ишонолмайман, биласанми?

Қари зодагон (қасамёдона шаҳд билан.) Барча худолар ҳаққи, Гай...

Калигула (юмшоқлик билан аста-секин уни эшикка итариб). Қасам ичма, асосийси, қасам ичма. Яхиси, эшиит. Агар сен айтаётган нарса рост бўлса, унда сени ўз дўстларини сотяпсан дея тахмин қилишим керак, шундай эмасми?

Қари зодагон (оз-моз эсанкираб). Аммо Гай, менинг сенга бўлган меҳрим...

Калигула (ўша оҳангда). Мен эса бундай тахмин қила олмайман. Ҳар қандайин разилликдан шунчалар нафратланаманки, ўзимни тута олмай қоламан. Ва шубҳасиз хиёнаткорни қатл этмоққа буюраман. Сен нечук одам эканингни мен-ку яхши биламан. Албатта, сен сотмоқчи ҳам, ўлмоқчи ҳам эмассан.

Қари зодагон. Албатта, албатта, Гай!

Калигула. Ана кўрдингми, сенга ишонмай тўғри қилган эканман. Ахир аblaҳ эмассан, тўғрими?

Қари зодагон. О, йўқ...

Калигула. Ва сотқин ҳам эмассан?

Қари зодагон. Албатта, шундай, Гай.

Калигула. Бундан чиқадики, ҳеч қанақа фитна йўқ. Бу шунчаки ҳазил эди, дегин!

Қари зодагон (мақсадидан чалғиб). Ҳазил, ... оддийгина ҳазил.

Калигула. Бундан аён бўладики, ҳеч ким мени ўлдирмоқчи эмас?

Қари зодагон. Ҳеч ким, албатта, ҳеч ким. (*Калигула чуқур хўрсинади ва секин давом этади.*) Унда даф бўл, гўзалим. Орномусли одам бу дунёда шунақаям камёб жониворки, унга ўта

узоқ қараб туриш мен учун оғир. Бу мўъжизакор онни обдон ҳис қилишим учун мен ёлғиз қолишим керак.

БЕШИНЧИ КЎРИНИШ

Калигула маълум вақт қимирламай, қоғозга тикилади. Кейин уни қўлга олиб, ўқийди. Нафас росттайди ва соқчини чақиради.

Калигула. Херенни олиб кел. (*Соқчи эшикка юради.*) Тўхта. (*Соқчи тўхтайди.*) Унга ҳурмат билан муомала қил. (*Соқчи кетади.*) Калигула зални қадамлаб ўлчайди. Сўнг қўзгу олдига боради.)

Калигула. Сен мантиқли бўлмоқчимисан, овсар. Фақатгина унинг чек-чегарасини билиш қоляпти холос. (*Киноя билан.*) Агар сенга ойни олиб келишса, ҳаммаси бошқача бўлармиди-а? Беимкон нарсалар имконли бўлиб, ҳаммаси бирданига бир сонияда ўзгариб қолармиди. Нега энди ўзгармасин, Калигула? Қайдан билай? (*Атрофга назар ташлаб.*) Шуниси қизиқки, борган сари атрофимда одамлар озаймоқда. (*Кўзгуга қараб, паст овозда.*) Мурдалар кўпайиб кетди. Натижада ҳаммаёқ нақадар бўм-бўш. Ҳатто агар менга ойни олиб келганларида ҳам, мен энди ортга қайтолмасдим. Ҳатто агар қуёшнинг эркалашларидан мурдалар яна қимирлай бошласалар ҳам, бундан қотилликлар қайта ер остига кириб кетмасди. (*Ғазаб билан.*) Мантиқ, Калигула, мантиқни қаттиқ тутиш керак. Чексиз ҳокимиоят, ўз тақдирингга чексиз садоқат. Йўқ, ортга қайтмайдилар, охиригача бориш керак!

Херен киради.

ОЛТИНЧИ КЎРИНИШ

Калигула ёмғирпўшига бурканиб, оромқурси суюнчиғига ястанади. У эзғин қиёфада.

Херея. Мени чақирғанмидинг, Гай?

Калигула (*ожиз овозда*). Ҳа, Херея. Соқчилар! Машъала!

Жимлик.

Херея. Менга нимадир айтмоқчимидинг?

Калигула. Йўқ, Херея.

Жимлик.

Херея (*пича асабий*). Менинг бу ерда бўлишим шарт деб ишонасанми?

Калигула. Мутлақо ишонаман, Херея. (*Яна жимлик. Сўнг туйқус шошилиб.*) Мени кечир, хаёлим қочгани учун сени ёмон қабул қилдим. Мана бу ёқقا, мана бу оромкурсига ўтири, дўстона сухбатлашамиз. Мен ақлли одам билан оз-моз гаплашиб олишим керак. (*Херея ўтиради. У қариийб пьеса бошидан буён биринчи бор ўзини зўракиликсиз тутмоқда эди.*) Сен қандай ўйлайсан, Херея, руҳияти ва ғурури баравар бўлган икки одам ҳаётда ҳеч йўқ, бир бор очиқ юрак билан, гўё бир-бирлари қаршисида, қип-яланғоч бўлгандай, ичида яшаётгани барча ёлғонни, барча хомхаёлларни, барча хуфия ҳисоб-китобларни ўзидан улоқтириб гаплаша оладиларми?

Херея. Мен буни бўлиши мумкин деб ҳисоблайман, Гай. Лекин ўйлайманки, сен бунга қодир эмассан.

Калигула. Сен ҳақсан. Мен фақат биз фикрларда келиша оламизми-йўқми, билишни истагандим. Майли, ниқобларни тақамиз. Ҳар биримиз ўз ёлғонимиз билан қуролланамиз. Сухбат учун худди жангдаги каби қалқон ва совутларда тўсинамиз. Херея, сен нима учун мени ёмон кўрасан?

Херея. Чунки сенда яхши кўрадиган нарсанинг ўзи йўқ, Гай. Чунки бунақа нарсаларда амр этмоқ бенафдир. Яна шунинг учунки, мен сени ҳаддан зиёд яхши тушунаман. Ўз қалбингнинг

ўзингдан ҳам яширмоққа уринаётганингни яхши кўриш мумкин эмас.

Калигула. Нима учун мендан нафратланасан?

Херея. Шу ерда адашдинг, Гай. Сенга нисбатан нафратим йўқ. Мен сени хавфли ва шавқатсиз, худбин ва шухратпараст деб ҳисоблайман. Бироқ сендан нафратлана олмайман. Чунки сен баҳтли кўринмайсан. Ва ёмон ҳам кўролмайман, чунки, биламан, сен кўрқоқ эмассан.

Калигула. Унда нима учун мени ўлдирмоқчисан?

Херея. Мен ҳали айтдим: Сени хавфли деб ҳисоблайман. Менга ишончли, эсон-омонлик қадрлироқ ва зарурийдир. Кишиларнинг кўпчилиги шундай яшайдилар. Улар энг бўлмағур ғоя ҳам ҳар дақиқада ростга айланиши мумкин бўлган ва худди юракка урилган пичоқ каби ҳаётларига кириб келадиган бунақа дунёда яшамоққа кўникмагандир. Бунақа дунёда яшамоқни мен ҳам истамайман. Оёғим остида мустаҳкам илдиз бўлмоғини маъқул кўраман.

Калигула. Омонлик мантиқ билан муроса қилолмайди.

Херея. Розиман. Бу мантиқсиз, бироқ соғлом фикр.

Калигула. Давом эт.

Херея. Бошқа айтадиган гапим йўқ. Сенинг мантиғингга кирмоқни истамайман. Мен ўз инсоний бурчимни бошқачароқ тушунаман. Биламанки, илло, фуқароларингнинг кўпчилиги ҳам худди мен каби ўйладилар. Сен барчага халал беряпсан, демак, сен гумдон бўлишинг керак.

Калигула. Жуда аниқ ва тамоман ўринли гап. Кўпчилик кишилар учун бу шунчаки ўз-ўзидан маълум. Бироқ сен учун эмас. Сен кўп нарсани тушуняпсан, тушунгандлик учун эса қиммат тўлов тўламоқ ёки ундан воз кечмоқ керак. Мен тўляяпман. Нима учун сен воз кечмоқни ҳам, тўлов тўламоқни ҳам хоҳламайсан.

Херея. Чунки мен баҳтли бўлмоқни ва баҳтли яшамоқни истайман. Агар мантиқни унинг борки оқибатлари билан то бемаънилиkkача олиб борилса, унга ҳам бошқасига ҳам эришиб бўлмайди. Мен оддий одамман. Баъзан бу менга малол келади.

Ўшанды мен ўзим севган кишиларга ўлим тилайман. Оила ва дўйстлик қонунларида мен учун тақиқ этилган аёллар ҳақида эҳтирос ила орзулайман. Агар мантиққа риоя этилса, бунақа пайтларда мен ўлдирмоғим ва аёлларга эришмоғим керак. Лекин бундайин ғира-шира шиддатлар эътиборга арзимайди, деб ҳисоблайман. Агар ҳамма уларни рўёбга чиқаришга киришгандаридан эди, биз баҳтга эришолмаган ҳам, баҳтли яшолмаган ҳам бўлардик. Мен учун эса, яна қайтараман, айнан мана шу аҳамиятлидир.

Калигула. Унда юксак ғояларга ишонишинг керак.

Херея. Мен бир ҳаракат бошқасидан олийжаноброқ эканига ишонаман.

Калигула. Менда эса уларнинг бари теппа-тенг қийматга эга.

Херея. Биламан, Гай, шунинг учун ҳам сени ёмон кўролмайман. Бироқ сен халал беряпсан ва гумдон бўлишинг керак.

Калигула. Адолатли гап. Фақат бу ҳақда менга маълум қилмоқ ва ўз ҳаётини хавф остига қўймоқ не учун?

Херея. Шунинг учунки, менинг ўрнимга бошқалар келади ва шунинг учунки, мен ёлғон гапиришни истамайман.

Жимлик.

Калигула. Херея!

Херея. Ҳа, Гай.

Калигула. Сен қандай ўйлайсан, Херея. Рухияти ва ғурури баробар бўлган икки одам ҳаётда ҳеч йўқ бир бор очиқ юрак билан гаплаша оладиларми?

Херея. Ўйлайманки, ҳозиргина биз сен билан буни уddeлай олдик.

Калигула. Ҳа, Херея. Ахир сен мени бунга қодир эмас дея ҳисоблагандинг.

Херея. Ноҳақ эканман, Гай. Тан оламан ва сенга ташаккур билдираман. Энди ҳукмингни кутаман.

Калигула (*паришон*). Менинг ҳукмимни? Ҳмм! Айтмоқчисанки... (*Ёмғирпўши остидан қоғозни олади*.) Бу нима эканини биласанми?

Херея. Сенинг кўлингда эканини билардим.

Калигула (*жўшиб*). Ҳа, сен билардинг, Херея ва сенинг дангаллигингнинг ўзи қайсарлик эди. Икки одам шундай қилиб очиқ юрак билан гаплаша олмадилар. Айтгандай, бу муҳим эмас. Энди эса самимилик ўйинини бошлаймиз ва яна аввалгида яшаймиз. Сенинг олдингда эса мен нима десам тушунишга уринмоқ, менинг хақоратларимга ва инжиқликларимга дош бермоқ турибди. Менга қара, Херея. Бу қоғоз ягона далилдир.

Херея. Мен кетаман, Гай. Бу ёвуз қийшанглашларнинг бари жонимга тегди. Мен уни жуда яхши биламан ва унга қайтиб қарашни истамайман.

Калигула (*ўшандай жўшқин ва қатъий*). Шошма. Бу ягона далил, шундайми?

Херея. Одамни қатл этишга йўллаш учун сенга далил зарурлиги даргумон.

Калигула. Тўғри. Бироқ бу сафар мен ўзимга хиёнат қилмоқчиман. Бу ҳеч кимга халал бермайди. Гоҳ-гоҳида ўзингга хиёнат қилиб туриш эса шунақаям ёқимли. Бу ҳордиқ беради. Мен дам олишим керақ, Херея!

Херея. Тушунолмайман ва умуман бунақа нозик нарсаларнинг қадрига етавермайман.

Калигула. Албатта, Херея, ахир сен соғлом одамсан. Ҳаддан ташқари истакларинг йўқ (*кулгиси қистаб*). Сен баҳтли яшашни ва баҳтли бўлишни истайсан. Шу холос!

Херея. Шу билан тугатсак, яхши бўларди, деб ўйлайман.

Калигула. Йўқ ҳали. Озгина сабр, яхшими? Қара, мана мен бу далилни ушлаб турибман. Усиз сизларни қатл этолмайман дея тасаввур қиляпман. Менинг инжиқлигим ва ҳордифим мана шунда. Энди эса далил императорнинг қўлида нимага айланишини кўр.

*Қоғозни машъалага тутади. Херея яқин келади. Уларнинг
ўртасида машъалада қоғоз ёнади.*

Калигула. Кўряпсанми, фитначи! У ёнмоқда ва бу далил ғойиб бўлаётгани даражасида сенинг юзингни бегуноҳлик ёлқини эгалламоқда. Сенинг мўъжизакор бегубор хислатларинг бор, Херея. Бегуноҳ одам нақадар гўзал, нақадар гўзал! Кудратимнинг қадрига ет. Аввало жазоларни йўлламай, бегуноҳликни қайтармоқ худоларнинг ўзига ҳам ато этилмаган. Императорингга эса, сени қайтадан гуноҳсиз ва кўрқмас қилмоғи учун фақатгина аланганинг тилчаси талаб этилди холос. Давом эт, Херея, сендан эшитган ажойиб мулоҳазаларни охирига етказ. Императоринг ҳордиқ олмоқни кутмоқда. Бу унинг баҳтли яшамоқ ва баҳтли бўлмоқ борасидаги шахсий усулидир.

Херея Калигулагага серрайиб қарайди. Гўё тушунгандай аранг илғанадиган ҳаракат қилиб, гапириш учун оғзини очади. Ва қўйқисдан чиқиб кетади. Калигула қоғозни ҳамон олов устида тутиб тураркан, жилмайиб нигоҳи билан Хереяни кузатади.

ПАРДА

ТҮРТИНЧИ САҲНА

БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Саҳнани нимқоронғулик қоплаган. Херея ва Сципион кирадилар. Херея ўнгга юради, кейин сўлга ва Сципионнинг ёнига қайтади.

Сципион (*одамови оҳангда*). Мендан нима истайсан?

Херея. Вақт тифиз. Биз ўйлаган ишимизда қатъий бўлмоғимиз лозим.

Сципион. Мени қатъий эмас деб сенга ким айтди?

Херея. Кечаги учрашувимизга келмадинг.

Сципион (*тескари қараб*). Бу рост, Херея.

Херея. Сципион, мен сендан каттаман ва кўмак сўраб ўрганмаганман. Бироқ менга ростданам кераксан. Бунақа қотиллиқда масъулиятни ҳурматга лойик кишилар ўз гарданларига олишлари керак. Бу таҳқирланган иззат-нафс ва пасткаш қўркувлар ивисиғида тоза ниятлар фақат сен билан бизда холос. Биламан, агар биздан кетсанг ҳам, ҳеч нарса айтмайсан. Лекин гап бунда эмас. Мен биз билан бўлишингни истайман.

Сципион. Тушунаман. Бироқ онт ичаманки, бунга иложим йўқ.

Херея. Демак, сен улар билансан?

Сципион. Йўқ. Лекин унга қарши бўлолмайман. (*Жим қолади, сўнг паст овозда*) Агар уни ўлдирганимда ҳам, юрагим барибир у билан қоларди.

Херея. Ахир у отангни ўлдирди!

Сципион. Ҳа, ҳаммаси шундан бошланади. Лекин шу билан ҳаммаси тугайди ҳам.

Херея. У сен эътироф этган нарсани рад этади. У сен сифинадиган нарсани масхаралайди.

Сципион. Бу рост, Херея. Бироқ вужудимда унга ўхшаган

нимадир бор. Иккимизнинг қалбимизни ҳам бир хил аланга ёндиради.

Херея. Танлаш талаб этиладиган дақиқалар бўлади. Мен ўзимдаги унга ўхшаши мумкин бўлган нарсанинг унини учирмоққа мажбур этдим.

Сципион. Шунинг учун танлай олмайманки, зеро, мен ўз дардимдан ташқари унинг дардини ҳам ҳис қиласман. Бахтсизлигим шундаки, мен ҳаммасини тушунаман.

Херея. Демак, уни ҳақли деб ҳисоблайсан.

Сципион (қичқириб). О, ишон, Херея, мен бошқа ҳеч кимни, ҳеч кимни ҳеч қачон ҳақли деб тан олмайман!

Пауза. Бир-бирларига қараб қоладилар.

Херея. (ҳаяжонда Сципионга яқинлашиб). Сени шу аҳволга солгани учун энди уни янада баттарроқ ёмон кўрсам керак.

Сципион. У менга адoғsиз нарсани талаб этишни ўргатди.

Херея. Йўқ, Сципион, у сендаги умидни тортиб олган. Ёш қалбдан умидни тортиб олиш эса — у шу пайтгача содир этиб келаётган жиноятларнинг ҳаммасидан оғир жиноятдир. Сенга онт ичаманки, ёлғиз шунинг ўзигина ғазабга эрк бериб, уни ўлдиришга мен учун етарли. (Эшик томон юради.)

Геликон киради.

ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Геликон. Сени қидираётгандим, Херея. Калигула шу ерда дўйстлари учун кеча ташкил этмоқда. Унда иштирок этишинг керак. (Сципионга ўгирилади.) Сен эса керак эмассан, жонгинам. Кетишинг мумкин.

Сципион (кетаркан, Хереяга ўгирилади). Херея!

Херея (жуда юмшоқлик билан). Ҳа, Сципион.

Сципион. Тушинишга уриниб кўр.

Херея (*жуда юмшоқлик билан*). Йўқ, Сципион.

Сципион ва Геликон чиқиб кетадилар.

УЧИНЧИ КЎРИНИШ

Саҳна ортида қуролларнинг жаранглаши. Ўнгда икки соқчи пайдо бўлади. Улар қўрқувнинг барча белгиларини намоён этаётган Қари зодагонни ва Биринчи зодагонни олиб келишади.

Биринчи зодагон (*ўз овозига қатъийлик беришга уриниб, соқчига*). Шундай бемаҳалда биздан нима истайдилар ўзи?

Соқчи (*ўнг томондаги оромкурсига ишора қилиб*). Буёқقا ўтири.

Биринчи зодагон. Агар бизни худди бошқалардек қатл этишни истаганларида, бунақа мураккаб тайёргарликларга ҳожат ўйқ эди.

Соқчи. Буёқقا ўтири, қари эшшак.

Қари зодагон. Ўтирайлик. Бу одам ҳеч нарса билмайди, бу аниқ.

Соқчи. Ҳа, гўзалим, бу аниқ. (*Кетади.*)

Биринчи зодагон. Ахир шошилишимиз кераклигини билардим. Энди эса бизни қийноқ кутмоқда.

ТЎРТИНЧИ КЎРИНИШ

Херея (*оромкурсига хотиржам жойлашиб*). Бу ерда нима бўляпти?

Биринчи зодагон ва қари зодагон (*жўр бўлиб*). Фитна фош этилди.

Херея. Нима қипти?

Қари зодагон (*қалтираб.*) Бу демак — қийноқ.

Херея (*вазмин*). Мен қийноқ остида ҳам айбни тан олмаган ўғри-қулга Калигула саксон бир минг сестерций берганини

эслагандайман.

Биринчи зодагон. Не кунларга қолдик-а!

Херея. Йўқ, бу шунчаки унинг мардликни баҳолай олишини исботлайди. Сиз буни назарда тутишингиз керак эди. (*Қари зодагонга.*) Агар малол келмаса, тишларингни бунаقا такиллатишни бас қил. Мен бу товушга тоқат қилолмайман.

Қари зодагон. Бироқ мен...

Биринчи зодагон. Хўп, етарли. Биз ҳаётимизни тикиб, таваккал қиляпмиз.

Херея (вазмин). Калигуланинг севимли иборасини биласизларми?

Қари зодагон (*йиғлагудай бўлиб*). Ҳа, у жаллодга дейдики: “Аста-секин ўлдир, токи у ўлаётганини ҳис қила олсин”.

Херея. Йўқ, янада яхшироқ. У қатлга қараб эснайди ва мутлақо жиддий дейди: “Мен нимадан кўпроқ завқланаманки, бу ўша ўзимнинг ҳиссизлигимдандир”.

Биринчи зодагон. Эшитяпсизми?

Куроллар жаранглайди.

Херея. Бу сўзлар унинг ожизлигини фош этади.

Қари зодагон. Агар малол келмаса, фалсафа сўқишини бас қил. Мен бунга тоқат қилолмайман.

Саҳна қаърида қул кўринади. У қиличларни келтириб, ўриндиққа (скамейкага) таҳлайди.

Херея (буни қўрмай). Ҳар нима бўлганда ҳам, бу одам бошқаларга шубҳасиз таъсир ўтказаётганини тан олишга тўғри келади. У ўйлашга мажбур этмоқда. У барчани ўйлашга мажбур этмоқда. Ишончсизлик — мана нима мулоҳазакорликка ундаиди. Мана нима учун у яна шунчалаб кишиларда нафрат уйғотмоқда.

Қари зодагон (қалтираб). Қара.

Херея (қиличларни қўради: унинг овози оз-моз ўзгаради).

Эҳтимол сен ҳақдирсан.

Биринчи зодагон. Шошилиш керак эди. Биз жуда узоқ кутгандик.

Херея. Ҳа. Бу сабоқ оз-моз кечикиди.

Қари зодагон. Лекин бу бемаънилик. Мен ўлишни истамайман.

Ўрнидан туради ва қочишга уринади. Шу жойдаёқ икки соқчи пайдо бўлади, унга икки тарсаки уриб, зўрлаб жойига йўллашади.

Биринчи зодагон оромкурсига сингиб кетади. Херея бир неча сўз айтади, бироқ улар эшишимайди. Туйқусдан саҳна қаърида ғалати мусиқанинг узуқ-юлуқ чинқироқ товушлар келади, ликоблар ва шақилдоқлар тараққайди. Зодагонлар жисм бўлишади ва саҳна қаърига тикилашади. У ердаги пардада худди соялар театридаги каби раққосаларнинг калта кийимини кийиб, бошига гулчамбар таққан Калигуланинг сояси (силуэти) пайдо бўлади. У балетнинг бир неча гротексли ҳаракати(паси)ни бажаради ва гойиб бўлади. Соқчилардан бири дарров тантанали равишда эълон қиласиди: "Томоша тугади". Шу вақтнинг ўзида Цезония киради ва томошабинларнинг ортига туради. У текис, бироқ уларни сескантириб юборадиган овозда гапиради.

БЕШИНЧИ КЎРИНИШ

Цезония. Калигула менга шу пайтгача у сизларни давлат ишлари учун чақириб келганини, лекин бугун сизлар билан нафосат лаззатини баҳам кўрмоқлик ниятида таклиф этганини сизга айтишимни топширди. (*Бироз жисм бўлиб, ўша оҳангда давом этади*). Рост, у қўшимча қилдики, ким лаззатланишни хоҳламаса, унинг боши кесилади. (*Улар жисм.*) Хиралигимни кечиришингизни сўрайман, бироқ мен бу рақс сизларга гўзал кўриндими, дея сўрамоғим шарт.

Биринчи зодагон (тебраниб). У жуда ажойиб бўлди, Цезония.

Қари зодагон (*тўлиб-тошган миннадорлик билан*). О, ҳа, Цезония.

Цезония. Сенга-чи, Херея?

Херея (*совуқ қилиб*). Бу улкан санъат эди.

Цезония. Жуда соз. Шундай қилиб, бу ҳақда Калигулага хабар беришим мумкин.

Геликон киради.

ОЛТИНЧИ КҮРИНИШ

Геликон. Айт-чи, Херея, бу ростданам улкан санъат эдими?

Херея. Қандайдир маънода — ҳа.

Геликон. Тушунаман. Сен жуда кучлисан, Херея. Ҳар бир виждонли одам каби мунофиқ. Бироқ кучли, бошқа гап йўқ. Мен унақа кучли эмасман. Ва ҳар ҳолда сизларнинг Калигулага тегишингизга, ҳатто агар унинг ўзи буни истаса ҳам, йўл қўймайман.

Херея. Мен бу ваъздан ҳеч нарса тушунмадим. Лекин сени бундайин садоқатинг учун мадҳ этмоғим лозим. Садоқатли хизматкорларни яхши кўраман.

Геликон. Қандайин мутаккаббirsan, а? Ҳа, мен савдоига хизмат қиляпман. Сен нимага хизмат қиляпсан? Саховатпешаларгами? Сенга бу борада нималарни ўйлашимни тўкиб соламан. Мен қулликда туғилганман. Шунақа, виждонли одам, олдинига мени саховатпешалар ҳақидаги бу қўшиқ остида ўйин тушишга қамчин мажбур этди. Гай эса менга чиройли сўзлар гапирмаган. У мени халос этди ва ўз саройига олди. Худди шу ерда мен сизларнинг оғангиз — саховатпешаларга назар ташлашга муюссар бўлдим. Ва башараларингиз ифлос, ҳидингиз ёқимсиз, қайғули ҳам, хавф-хатарни ҳам англамаган кишиларнинг чучмал ҳиди эканини кўрдим. Чиройли лиbosларни кўрдим, юраклар эса сўниқ, юзлар очкўз, қўллар қалтирагувчи эди. Ва шу сизларми қозилар? Сиз кимсиз, саховатпешаликни

майдалаб сотгувчи, гүё қизалоқ севгини орзулагандай хотиржам кун кўришни орзу қилгувчи, лекин ҳатто бир умр ёлғон гапириб ўтганингизни ҳам тушунмай, қўрқувда жон бергувчи сиз адоғсиз азобланган, ҳар куни минглаб янги жароҳатларнинг қонига беланган кишиларни суд қилмоқчимисиз? Аввало сизнинг менга рўпара бўлишингизга тўғри келади, буни унутманг! Кулдан жиркан, Херея! У сенинг саховатпешаларингдан юксакроқ, чунки у ўзининг шўрлик хўжайинини ҳали яна севишга қодир ва уни сизларнинг олийжаноб ёлғонларингиздан, сизларнинг маккор ваъзларингдан ҳимоя этади...

Херея. Азизим Геликон, сафсатага ўтиб кетдинг-ку. Чин сўзим, қачонлардир дидинг бундан яхшироқ эди.

Геликон. Афсуски, ҳа. Мана, сизлар билан узоқ муддатли муносабатда бўлмоқнинг оқибати. Кекса эр-хотинлар бир-бирларига шу қадар ўхшаб қоладиларки, уларнинг ҳатто соchlари ҳам теппа-тенг бўлиб кетади. Лекин мен тузаламан, хавотир олма, тузаламан. Фақат биргина... Қара, бу қиёфани кўраяпсанми. Хўш, яхшилаб қара. Жуда соз. Энди ўз ғанимингни кўрдинг. (*Кетади.*)

ЕТТИНЧИ КЎРИНИШ

Херея. Энди эса шошилиш керак. Икковингиз шу ерда қолинг. Бугун кечқурун бизлар юзлаб киши бўламиз. (*Кетади.*)

Қари зодагон. Қолинг, қолинг! Мен кетишни афзал кўрган бўлардим. (*Бурнидан нафас олади.*) Бу ердан ўлимнинг ҳиди келаётир.

Биринчи зодагон. Ёки ёлғоннинг. (Фамгин.) Мен бу рақсни гўзал деб айтдим.

Қари зодагон (*таскин бериб.*) Қандайдир маънода худди шундай. Худди шундай.

Бир неча зодагонлар ва чавандозлар шошиб югуриб киришади.

САККИЗИНЧИ КЎРИНИШ

Иккинчи зодагон. Нима гап? Биласизми? Император бизни чорлашни буюрибди.

Қари зодагон (*паришон*). Эҳтимол рақсга чорлагандир.

Иккинчи зодагон. Қанақа рақс?

Қари зодагон. Шунчаки, нафосат лаззати.

Учинчи зодагон. Унга нима бўлди? (*Завқ билан.*) О худоларим, наҳотки у ўлаётган бўлса?

Биринчи зодагон. Ундаи деб ўйламайман. Унинг касали фақат бошқалар учун ўлим келтиради.

Қари зодагон. Сени тушундим. Бироқ унинг яна қанақадир ножиддийроқ ва биз учун ёқимлироқ касали йўқми?

Биринчи зодагон. Йўқ, бу касал рақибларни ёқтирмайди. Лекин агар рухсат этсангиз, Херея билан гаплашиб олишим лозим. (*Кетади.*)

Цезония киради. Қисқа пауза.

ТЎҚҚИЗИНЧИ КЎРИНИШ

Цезония (*лоқайд*). Калигуланинг ошқозони хаста. У қон кусди.

Зодагонлар унинг атрофида тўпланишади.

Иккинчи зодагон. О қудратли ҳудолар, ваъда бераман: агар у соғайиб кетса, мен ғазнага икки юз минг сестерций ҳадя қиласман.

Учинчи зодагон (*ўта жўшиқин*). Юпитер, унинг жони ўрнига меникини ол.

Калигула (*иккинчи зодагоннинг олдига келиб*). Мен ҳадянгни қабул этаман, Луций. Ташаккур сенга. Ғазнабоним сеникига эртага боради. (*Учинчи зодагоннинг олдига келади ва уни қучоқлайди.*) Қанчалар таъсиранганимни тасаввур ҳам

қилолмайсан. (*Жим тургач, юмшоқлик билан.*) Сен мени шунчалар севасанми?

Учинчи зодагон (*таъсирланиб*). Эх, цезар, сен учун мен ҳеч иккиланмай нималарни бермасдим!

Калигула (*уни қучоғида тутганча*). Эх, бу ўта ортиқча, Кассий, мен бундайин севгига арзимайман. (*Кассий инкор этувчи ҳаракат қиласади.*) Йўқ, йўқ, деяпман-ку сенга. Мен лойиқ эмасман. (*Икки соқчини чақиради.*) Уни олиб кетинг. (*Юмшоқлик билан Кассийга.*) Бор, дўстим. Ва унутма, Калигуланинг қалби сен билан.

Учинчи зодагон (*секин хавотирга тушиб*). Лекин улар мени қаёққа олиб кетишмоқда?

Калигула. Нима қаёққа? Ўлимга. Сен ўз ҳаётингни менинг ҳаётим ўрнига бердинг. Мен ўзимни яхши ҳис қила бошладим. Оғзимда энди ҳатто қоннинг ҳалиги ёқимсиз таъми ҳам йўқ. Сен мени асраб қолдинг. Кассий, сен баҳтлисан, зеро, ўз жонингни бошқа бирор учун вафо эта олдинг ва бу бирорнинг исми Калигуладир! Мана энди яна барча қувончлардан ҳузурлана оламан.

Соқчилар учинчи зодагонни судрайдилар. У додлаб қаршилик кўрсатади.

Учинчи зодагон. Лекин истамайман! Бу ҳазил эди.

Калигула (*унинг дод-войи орасида орзуланиб*). Денгиз устидаги йўлларни ҳадемай қийғос намозшомгуллар қоплайди. Аёллар енгил матодан кўйлак киядилар. Олис осмон шунақаям мусафро ва тоза, Кассий! Ҳаёт ҳазиллари!

Кассий энди эшик олдига етганда Цезония уни астагина итаридаи.

Калигула (*ўғириларкан, қутилмагандага жиiddий*). Ҳаёт, дўстларим! Агар сен уни ростмона севганингда эди, бунақа эҳтиётсизлик билан уни ўйнамаган бўлардинг.

Кассийни судраб олиб чиқиб кетишади.

Калигула (*стол олдига қайтиб*). Ютқазганингдан кейин, албатта, тўлашинг керак. (*Пауза.*) Буёққа кел, Цезония. (*Қолганларга ўгирилади.*) Айтгандай, калламга ажойиб фикр келиб қолди, уни сизлар билан баҳам кўрмоқчиман. Менинг подшоҳлигим шу пайтгача жуда баҳтиёрлик билан ўтди. Ёппасига тарқалган вабо ҳам, шафқатсиз диний маросимлар ҳам, ҳаттоки давлат тўнтириши ҳам бўлмади, қисқаси, сизларни авлодлар хотирасига муҳрлагувчи ҳеч нарса йўқ. Шунинг учун ҳам мен тақдирнинг хасислигини қисман бўлса-да, тўлдиришга уринмоқдаман. Айтмоқчиманки... Билмадим, мени тушуна олдингизмикин. (*Истеҳзо билан.*) Бир сўз билан айтганда, мен ўзим вабонинг ўрнини олмоқчиман. (*Бошқа оҳангда.*) Энди эса жим бўлинглар. Ана, Херея ҳам кўринди. У билан сен шуғуллан, Цезония. (*Чиқиб кетади.*)

Херея ва Биринчи зодагон кирадилар.

ЎНИНЧИ КЎРИНИШ

Цезония шошиб Хереянинг олдига келади.

Цезония. Калигула ўлди.

Ўзини йиғлаётгандай кўрсатиб тескари ўгирилади ва бошқаларга диққат билан қарайди. Улар жим. Барчанинг қиёфаси ўргатилгандай, лекин бошқа сабаб билан.

Биринчи зодагон. Сен... сен бу баҳтсизликка ишонасанми? Бу бўлиши мумкин эмас, у ҳозиргина рақсга тушаётганди-ку.

Цезония. Худди шундай. Айнан шу зўриқиши уни ажал домига солди.

Херея шошқин қадамлар билан иштирокчиларни бирин-кетин айланиб ўтади ва Цезониянинг ёнига қайтади. Ҳамма сукут сақлади.

Цезония (секин.) Ҳеч нарса демадинг, Херея?

Херея (ўшандай секин). Бу улкан баҳтсизлик, Цезония.

Кўйқисдан Калигула киради ва Херея томонга юради.

Калигула. Яхши ўйнадинг, Херея. (*Ортига ўғирилади ва бошқаларга қарайди. Ҳазил билан.*) Нима ҳам дердим! Чиқмади. (Цезонияга.) Сенга айтган гапимни унутма. (*Кетади.*)

ЎН БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Цезония жимгина унинг изидан қараб қолади.

Қари зодагон (унга ҳали сусаймаган умид қуч беради). У ростдан ҳам хастами, Цезония?

Цезония (унга нафрат билан қараб). Йўқ, гўзалим, аммо сенга ҳаммаси ҳам маълум эмас. Унинг ҳар кеча икки соатгина ухлаши сенга аёнми, қолган вақтларда эса саройнинг еrostи йўлларида тентирайди ва унутилмоқ истайди. Сенга аёнмикин, ҳа, айтгандай, сенинг хаёлингга ҳам келмаску-я, тун ярми ва қуёшнинг қайтиши оралиғидаги азобли онларда бу одамни қандайин фикрлар қамраб олади. Хастами? Йўқ, у хаста эмас, лекин сен унинг қалбини қоплаган ўшал яралар учун ном ва малҳам топа олармидинг.

Херея (гўё таъсирлангандаи). Сен ҳақсан, Цезония. Бизга маълумки, Гай...

Цезония (лўнда қилиб). Ҳа, бу сизларга маълум. Бироқ қалбдан мосуво барча кишилар каби сиз унинг кимлардадир ҳаддан зиёд мўл бўлишига тоқат қилолмайсиз. Ҳаддан зиёд мўл

қадб? Бу халал беради, түғрими? Ва бу хасталик дея аталар экан, у ҳолда дүнгешона калтафаҳмлар эса ўзларининг тоза виждонлари ва мағрурликлари ила қолаверадилар. (*Ўзга оҳангда*). Сен қачондир сева олганмисан, Херея?

Херея (*яна ўз ҳолига қайтиб*). Биз энди бунақа нарсаларни ўрганмоққа анча қарилек қиласмиш, Цезония. Унинг устига Калигула бизга бунақа нарсалар учун фурсат ҳам бермаса керак.

Цезония (*ўзини қўлга олиб*). Бу рост. (*Ўтиради*.) Мен эса Калигуланинг топширигини унутаёзибман. Сизлар бугунги кун санъатга бағишлиланганини биласизларми?

Қари зодагон. Тақвим бўйичами?

Цезония. Йўқ, Калигула бўйича. У бир неча шоирларни чорлади ва берилган мавзуда бадиҳагўйлик қилмоқни таклиф этмоқчи. Сизларнинг орангизда ҳам шоирлар бор: уларнинг бу мушоирада, албатта, иштирок этишларини у умид қиласмиш. У ёш Сципион ва Метеллни алоҳида тилга олиб ўтди.

Метелл. Лекин биз тайёр эмасмиз.

Цезония (*гўё уни эшишмагандай, бир маромдаги овозда*). Табиийки, мукофотлар тайин этилган. Шунингдек, жазолар ҳам. (*Ҳамма ортига чекинади*.) Гап орамизда қолсин-ку, сизларга айтишим мумкинки, жазолар унчалик оғир эмас.

Калигула киради. У ҳеч қачон бунчалар ғамгин кўринмаган.

ЎН ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Калигула. Ҳамма нарса тайёрми?

Цезония. Ҳамма нарса (*Соқчига*.) Шоирларни келтиринглар.

Ўн икки шоир жуфт-жуфт бўлиб киради ва ўнг томонга йўналади.

Калигула. Қолганлар-чи?

Цезония. Сципион ва Метелл!

Бу иккаласи ҳам шоирларга қўшиладилар, Калигула Цезония ва зодагонлар билан чап томонда ичкарироқда ўтирадилар. Қисқа пауза.

Калигула. Мавзу — ўлим. Муддат — бир дақиқа.

Шоирлар шоша-пиша ўз қоғозларига ёза бошлайдилар.

Қари зодагон. Ким ҳакамлик қиласди?

Калигула. Мен. Наҳотки шу етарли бўлмаса?

Қари зодагон. Ҳа-я, мутлақо етарли.

Херея. Мушоирада сен ҳам иштирок этасанми, Гай?

Калигула. Менга фойдаси йўқ. Мен аллақачонлар бу мавзуда асар ёзиб бўлганман.

Қари зодагон (шошиб). Уни қаердан топмоқ мумкин?

Калигула. Мен уни ҳар куни ўзимча ўқийман.

Цезония унга хавотир билан қарайди.

Калигула (*қўйпол қилиб*). Сенга башарам ёқмаяптими, дейман?

Цезония (юмшоқлик билан). Мени кечир.

Калигула. О, ўтинаман, тавозенинг ҳожати йўқ. Фақат шу тавозе бўлмаса бас. Сенга шундоқ ҳам тоқат қилиш оғир, бироқ тавозеларингга!..

Цезония ўзини қўлга олишга уринади.

Калигула (Хереяга). Шунаقا. Мен ушбу асардан ўзга ҳеч нарса бита олмадим. Бироқ у менинг Римнинг бутун бир тарихи давомида ўз ўй-фикрларини ўзининг амаллари или муросага сола олгувчи ягона, тушуняпсанми, Херея, ягона санъаткор эканимни исбот этмоқда.

Херея. Бу фақатгина ҳокимият туфайлидир.

Калигула. Рост. Қолганлар ҳокимиятга эга бўлмаганликлари туфайли ижод қиласидилар. Менинг эса ижодга муҳтожлигим йўқ: мен яшаяпман. (*Кўпол қилиб.*) Хўш, қалай, тайёрмисизлар?

Метелл. Назаримда, тайёрмиз.

Ҳаммалари. Ҳа.

Калигула. Унда мени яхшилаб эшишиб олинглар. Сизлар навбати билан олдинга чиқасизлар. Ҳуштагим билан у тўхтайди, навбатдаги одам эса бошлайди. Шу йўсинда давом этаверади. Кимнингки ўқишини менинг ҳуштагим бўлмаса, табиийки, ўша ғолиб бўлади. Шайланинг. (*Хереяга яширинча таъзим қиласиди.*) Ҳамма нарсада қатъий тартиб лозим, ҳатто санъатда ҳам.

Ҳуштак.

Биринчи шоир. Ўлим, қора шарпа ортидан...

Ҳуштак. Шоир чапга ўтади. Қолганлар ҳам худди ўшандай қиласидилар. Саҳна механик тарзда ўйналади.

Иккинчи шоир. Уч мўйнали ўзин ғорида...

Ҳуштак.

Учинчи шоир. Сени чорлайман, о, ажал...

Қаҳрли ҳуштак. Тўртинчи шоир олдинга чиқади ва бадиҳагўй қиёфасида туради. У бирон нарса айтишига улгурмай туриб, ҳуштак эшишилади.

Бешинчи шоир. Гўдаклик пайтимда мен...

Калигула (*бақириб*). Йўқ! Қайсиdir аҳмоқ гўдаклигининг бу мавзуга қанақа дахли бўлиши мумкин? Менга айта оласанми —

қанақа?

Бешинчи шоир. Лекин, Гай, мен ҳали тугатганим йўқ...

Қаттиқ ҳуштак.

Олтинчи шоир (*олдинга чиқади, йўталиб*). У шафқатсиз, тантана қилар...

Ҳуштак.

Еттинчи шоир (*сирли қилиб*). Тушуниксиз ва ғира-шира илтижо...

Тўхтатувчи ҳуштак. Сципион қоғозсиз олдинга чиқади.

Калигула. Сенинг навбатинг, Сципион. Қоғозинг йўқ?

Сципион. Менга унинг зарурати йўқ.

Калигула. Қани. (*Ҳуштагини ичига ютиб.*)

Сципион (*Калигуланинг ёнгинасида туриб, лекин унга қарамай ва қандайдир ҳорғинч.*)

*Одамларни поклагувчи баҳт
ортидан қувиб,*

*Қуёш қўйилгувчи осмонда,
Бетакрор, ёввойи тантаналар,
Умидсиз менинг алаҳисишлиарим!..*

Калигула (*юмшоқлик билан*). Ўтинаман, бас. (*Сципионга.*) Ўлимнинг ҳақиқий сабоқларини эгаллашга ўта ёшлик қиласан.

Сципион (*Калигуланинг қўзларига боқиб*). Отамдан ҳам айрилмоққа ўта ёшлик қилардим.

Калигула (*кескин ортига ўгирилиб*). Сиз, қолганлар эса сафга туринг. Ёмон шоир — менинг таъбим учун ўта оғир синовдир. Шу пайтгача сизларни ўзимнинг иттифоқдошларим деб билардим,

баъзан эса сиз учун мудофаанинг сўнгги чизигини ташкил этасиз дея тасавур қилардим. Лекин бехуда экан, энди мен сизларни ўзимнинг ғанимларим деб ҳисоблайман. Шоирлар менга қарши — бу, айтишим мумкинки, қиёмат. Қадамлаб олға! Сизлар менинг олдимдан ўтасиз ва айни пайтнинг ўзида, ундан ўз ифлосликларингизнинг изини ўчириб ташламоқ учун қоғозларингизни ялагайсиз. Диққат! Олға!

Хуштаклар қадамларга ҳамоҳанг янграйди. Шоирлар ўнг эшикка йўналадилар ва юриш асносида ўзларининг ўлмас қоғозларини ялаб борадилар.

Калигула (жуда секин). Барчангиз кетинглар.

Херея эшик олдида биринчи зодагоннинг елкасидан тутиб, тўхтатади.

Херея. Фурсат етди.

Сципион буни эшилди. У остоңада секинлайди ва Калигуланинг ёнига қайтади.

Калигула (захарли қилиб). Мени ўз ҳолимга қўёлмайсанми? Отанг ҳам худди шундай иш тутганди.

ЎН УЧИНЧИ КЎРИНИШ

Сципион. Кераги йўқ, Гай, буларнинг бари бефойда. Сен нимани танлаганингни мен яхши биламан.

Калигула. Мени ўз ҳолимга қўй.

Сципион. Мен сени ростдан ҳам ўз ҳолингга қўяман, чунки назаримда, мен сени тушунгандекман. Сен учун ҳам, сенга шунақаям ўхшагувчи мен учун ҳам, энди чора йўқ. Мен буларнинг барига жавоб излаб, узоқ-узоқларга йўл оламан. (Пауза,

Калигулага қарайди. Ҳаяжон билан.) Алвидо, азизим Гай. Барчаси интиҳо топган пайтда, сени севганимни унутма. (Кетади.)

Калигула унинг изидан қараб қолади ва қандайдир ҳаракат қиласи, лекин ироданинг зўри билан ҳаяжонини босади ва Цезониянинг олдига қайтади.

Цезония. У нима деди?

Калигула. Бунга ақлинг етмайди.

Цезония. Нима ҳақда ўйлаяпсан?

Калигула. У ҳақда. Ва сен ҳақингда. Айтгандай, иккиси ҳам бир гўр.

Цезония. Нима бўлди?

Калигула (унга қараб). Сципион кетди. Мен дўстликни тугатдим. Сен-чи, ўз-ўзимдан сўрайман мен, нима учун сен ҳамон шу ердасан...

Цезония. Чунки мен сенга ёқаман.

Калигула. Йўқ. Агар сени ўлдирганимда, эҳтимол тушуниб олармидим.

Цезония. Нима қипти, яхши фикр. Уни рўёбга чиқар. Лекин ҳеч йўқ бир дақиқа бўлсин хотиржам ва эркин яшай олмайман.

Калигула. Мен мана бир неча йилдирки, айнан шу билан машғулман, яъни озод яшамоқдаман.

Цезония. Мен бошқа нарсани назарда тутаяпман. Мени тушун. Қалб мусаффолиги ила яшамоқ ва севмоқ — бу шунақаям ёқимли бўлиши мумкин.

Калигула. Ҳар ким мусаффолиги ила ва севмоқ — шунақаям ёқимли бўлиши мумкин. Ҳар ким мусаффоликка қўлидан келганча эришади. Мен буни энг асосий нарсани топиш ниятида қилмоқдаман. Бироқ нима бўлганда ҳам, мен сени ўлдира оламан. (Кулади.) Бу менинг тутган йўлимга муносаб тож бўлган бўларди. (Калигула ўрнидан туради ва қўзгуни ўгиради. Ҳайвондек қутуриб, уни девор бўйлаб айлантиради: унинг қўллари қарийб қимирламасдан осилиб турганга ўхшайди.) Қизиқ-да. Агар мен

ўлдирмасам, унда ўзимни ёлғиз ҳис қиласаман. Тириклар коинотни эгаллай ва ундан зерикишни кувғин қила олмайдилар. Сизлар барчангиз мен билан бўлган пайтда атрофимда кўзларимни тўлдиргувчи чексиз бир бўшлиқни ҳис этаман. Менга фақат ўзимнинг мурдаларим билан бўлиш ёқади. (*Томошибинларга юз буриб, озгина олдинга эгилган қўйи туради. Цезонияни унутади.*) Уларгина ҳақиқийдирлар. Худди менга ўхшайдилар. Улар мени кутмоқдалар ва шоширмоқдалар. (*Бошини силкийди.*) Мен гоҳ улар, гоҳ бошқалар билан узоқ суҳбатлар олиб бораман, кимдир додлаб мендан шафқат ўтинар, мен эса унинг тилини суғуриб олмоқни буюраман.

Цезония. Буёққа кел. Ёнимга ёнбошла. Бошингни тиззамга қўй. (*Калигула шундай қиласади.*) Сенга хуш ёқмоқда. Ҳаммаёқ жимжит! Оширвординг. Қуролларнинг шақирлашини наҳотки эшитмаётган бўлсанг? (*Шу овозлар келади.*) Пистирмада ўтирган нафратни фош этаётган минглаб шитирлашларни сезмаяпсанми?

Fира-шира норозилик овозлари.

Цезония. Ҳеч ким журъат этолмайди...

Калигула. Аҳмоқликдан ўзга.

Цезония. У ўлдирмайди. У одамларни эҳтиёткор қилиб қўяди.

Калигула. У ажал олиб келади. Цезония. У ўзини ҳақоратланган ҳисоблаган онда ажал олиб келади. О, мени мен отасидан ёки ўғлидан жудо этганлар ўлдирмайдилар. Булар тушуниб етдилар. Улар мен билан, уларнинг ҳам оғзида ўша таъм. Лекин мен хўрлаган, масхаралаган бошқалар — ана ўшаларнинг чиркин кибру ҳаволаридан менга омонлик йўқ.

Цезония (*қизғин*). Биз сени ҳимоя этамиз, сени севгувчилар ҳали қўпчиликмиз.

Калигула. Сизлар тобора озаймоқдасизлар. Мен бунинг учун неки лозим бўлса, қилдим. Ундан кейин,adolat ҳаққи тан олайлик: нафақат аҳмоқлик, шунингдек, ўша баҳтли бўлмоқни

истагувчиларнинг садоқати ҳам, мардлиги ҳам менга қаршиидир.

Цезония (*ўша оҳангда*). Йўқ, улар сени ўлдиролмайдилар. Ёки самодан қанақадир чақмоқ чақнайди-да, сенга тегмасларидан олдин уларни қулга айлантиради.

Калигула. Самодан! Ҳеч қанақа само йўқ, бечорагина. (*Ўтиради*) Лекин нима учун туйқус бунчалар муҳаббатли бўлиб қолдинг? Бу бизнинг шартимизга кирмаганди-ку.

Цезония (*у туради ва юришга тушади*). Демак, сен қандай қилиб бошқаларни ўлдираётганингни кўрмоқликнинг ўзи менга кам, бунинг устига яна мен сенинг ўзингни ҳам ўлдиришлари мумкинлигини билмоғим шартми? Менинг олдимга шафқатсиз ва ғажиб ташлангандаи бир қиёфада киришинг ёнимда ётганингда сендан қотилликнинг ҳиди келиши камлик қиларканда? Мен сенинг вужудингдаги борки инсонийлик аста-секин ўлиб бораётганини ҳар куни кузатаман. (*Унга ўғирилади*) Мен қариман ва ҳадемай ярамас бир қиёфага келишимни биламан. Аммо қалбимда сенинг ҳақингдаги фикру ўйдан ўзга ҳеч нарса қолмади ва энди мени севасанми ёки йўқми, аҳамиятсиз. Мен фақат биргина нарсани истайман, у ҳам бўлса, сенинг соғайганингни кўриш. Ахир сен ҳали боласан-ку. Сенинг борки ҳаётинг ҳали олдинда! Сен бутун бир ҳаётдан ортиқ яна нимани ҳам тилашинг мумкин?

Калигула (*туради ва унга тикилади*). Сен анчадан бери шу ердасан.

Цезония. Ҳа, бироқ мени ҳайдамайсан, тўғрими?

Калигула. Билмадим. Фақат нима учун бу ердалигинги биламан. Чунки менга ҳузур баҳш этган бу кечаларнинг барчаси кучли ва қувончсиз кечдилар, чунки сен мен ҳақимда шунча нарсани биласан. (*Уни қучоқлайди ва унинг бошини оз-моз орқага қайиради*) Мен йигирма тўққиз ёшдаман. Кўп эмас. Бироқ кечмишнинг шунчалар оғир асоратларини ортқилаб, шунчалар чўққисига етган менинг ҳаётим ўзимга шунчалар узоқ туулган бу онларда сен сўнгги гувоҳ бўлиб қолмоқдасан. Ва мен ҳадемай сенга айланадиган ҳов ўша қари аёлнинг шармандали назокатига

қаршилик кўрсата олмайман.

Цезония. Сени ҳайдамайман, деб айтгин!

Калигула. Билмадим. Мен фақат, бу шармандали назокат ҳаёт менга ато этган, энг даҳшатлиси ҳам мана шундаки, бирдан-бир тоза туйғу эканини тушунаман.

Цезония унинг қучоғидан халос бўлади. Калигула унинг ортидан юради. Аёл орқаси билан унга ёпишади ва у қўллари билан унга (Цезонияга) чирмашади.

Калигула. Сўнгги гувоҳнинг ғойиб бўлгани яхши эмасми?

Цезония. Менга барибир. Мен сен айтган гапдан баҳтиёрман. Бироқ нима учун энди мен бу баҳтни сен билан баҳам кўролмайман?

Калигула. Мени баҳтли эмас деб сенга ким айтди?

Цезония. Баҳт мурувватлидир. У ўзининг яшамоғи учун ўзгаларни маҳв этмайди.

Калигула. Демак, баҳтнинг икки тури бор. Мен ажалбардорини танладим. Ва мен баҳтиёрман. Қачонлардир қайғу-аламнинг охирги нуқтасига етдим, деб ўйлаган пайтларим ҳам бўлган. Лекин йўқ, давом эттириш мумкин экан. Умидсизлик мамлакатининг сарҳадлари ортида самарасиз ва улуғвор баҳт ётибди. Менга қара. (Цезония унга ўғирилади.) Бутун Рим бир неча йиллаб Друзилланинг исмини айтмоқдан бўйин товлагани эслаганимда, мен куламан, Цезония. Рим бир неча йиллаб адашди. Севги менга камлик қиласи, мен буни ўшандай ўтишунганимман. Бугун сенга боқарканман, яна худди аввалгидай ўйламоқдаман. Кимнидир севиш, демакки, бирга қаришга кўнмоқликдир. Мен бунаقا севгига қодир эмасман. Кекса Друзилла — бу ўлган Друзилладан кўра анча баттарроқдир. Инсон севган мавжудот кутилмагандан ўлгани учун қайғурядигандек туюлади сенга. Йўқ, бу сафсата, чинакам қайғу эмас. У аламнинг ҳам охири борлигини сезган пайтингда келади. Ҳатто дарднинг ўзи ҳам мазмунини йўқотади.

Мана кўрдингми, мен ўзимни ҳеч нарса билан — на муҳаббат паноҳида, на ҳасрат доғида оқлай олмайман. Менинг далилим йўқ. Бироқ мен бугун ўтган барча йилларда бўлганидан кўра янада эркинроқман. Мен хотиралар ва хомхаёллардан халос бўлдим. (*Газаб билан қулади.*) Ҳамма нарса тугашга маҳкум, мен биламан! Қандайин кашфиёт! Уни амалда синааб кўрган, бу телбавор баҳтиёрликни ўз бошидан кечира олган бизлар бутун тарих мобайнида икки-уч киши эдик. Цезония, ажабтовур бир фожеани то сўнгги ечимиғача томоша қила олдинг. Энди парда туширишнинг фурсати етди.

*Уяна Цезониянинг ортига туради ва қўли билан унинг
бўйини чангаллайди.*

Цезония (*даҳшатда*). Нақадар даҳшатли эрк — шуми ўша баҳт?

Калигула (*унинг томоғини тобора қаттиқроқ сиқиб*). Шу ўшадир, Цезония. Усиз мен рози ва тўқ бўлган бўлардим. Унинг шарофати билан мен танҳоларнинг худомонанд башоратчилигига эга бўлдим. (*У Цезонияни аста-секин бўғаркан, тобора жазавага тушади. У олишмоққа уринмайди, фақат итоатгўйлик билан қўлларини олдинга чўзади. У унинг қулоғига энгашиб гапиради.*) Мен яшаяпман, мен ўлдиряпман, мен Яратганнинг қудрати, мен унинг олдида арзимас тақлиддек туюлгувчи бузғунчининг фавқулодда бир қудратига эгаман. Мана шу баҳтиёрлик дегани. Тоқат қилиб бўлмас соқитлик, оламдаги борки нарсага нафрат, атрофда қон ҳам, ғазаб ҳам нигоҳи билан ўзининг бутун ҳаётини ортига ота олгувчи инсоннинг мислсиз ёлғизлиги, жазога тортилмаган қотилнинг чексиз қувончи, инсон умрини мажақлаб ташлагувчи (*қулади*), сеникини ҳам, ўзгармас мантиқ — мана шунинг ўзи баҳт, Цезония, токи менга энди ваниҳоят доҳиёна танҳолик они келсин.

Цезония (*ожизона қаршилик қиласаркан*). Гай!

Калигула (*ўзини унутиб*). Ҳеч қаедай кўнгилчанликка ўрин

йўқ. Уни тугатиш керак, фурсат кутиб турмайди, азизам Цезония!

Цезония хириллайди. Калигула уни судрайди ва ложага ташлайди.

Калигула (*унга тикилади унинг қиёфаси девонавор, овози эзғин*). Сен, сен ҳам айбдор эдинг. Аммо ўлдириш билан ҳеч нарсани ҳал этиш мумкин эмас.

ЎН ТЎРТИНЧИ ҚЎРИНИШ

Калигула (*ортига ўгирилади ва қўзгу томон юради, худди алаҳсираётгандай*). Калигула! Сен ҳам, сен ҳам айбдорсан. Нима қипти, озгина кам, қанақа фарқи бор! На қозилар, на айбсизлар бўлмаган бу дунёга менга ҳукм чиқармоққа кимнинг ҳадди сифади! (*Кўзгуга қадалиб, чуқур тушкунлик билан*.) Мана қўрдингми, Геликон келмади. Мен ойга эга бўлолмайман. Шахсий ҳаққоният ва охиригача бориш бурчи — бу нақадар оғир. Мен интиҳодан қўрқаман. Қиличлар жаранглаяпти! Бу айбсизлик ўз тантанасини ҳозирламоқда. Нега энди мен нариги томонда эмасман. Мени даҳшат босяпти. Аввалига бошқаларни ёмон кўрмоқ, кейин эса ўз қалбингда шундайин қўрқоқликни ҳис этмоқ — нақадар қабоҳат. Бироқ бу муҳим эмас. Қўрқувнинг ҳам интиҳоси бор. Ўшанда атрофимда яна юрагимни ҳаловатга солгувчи буюк бўшлиқ бўлади. (*Орқага бир қадам ташлайди, қўзгуга қайтади. У гўё оз-моз тинчлангандай*. Яна гапира бошлаганида овози секин ва босиқ эшишилади.) Ҳамма нарса шунақа мураккаб туюлади. Аслида эса ҳаммаси оддий. Агар мен ойга эга бўлганимда эди, агар севгига қонганимда эди, ҳаммаси ўзгача бўларди. Лекин ташналигимни не билан қондирмоқ мумкин? Қандайин юрак, худди кўл янглиғ тубсиз қандайин маъбуда лозим мени қондирмоқ учун? (*Тиз чўқади ва йиғлайди*.) Бу дунёда ҳам, бошқасида ҳам менга тўғри келгувчи ҳеч нарса йўқ. Менга фақат биргина нарса — имконсиз нарса кераклигини

ахир мен ҳам биламан ва сен ҳам биласан (*йиғларкан, қўлини қўзгуга ҷўзади*). Имконсиз нарса! Мен уни дунё чегараларидан, ўз қалбимнинг четларидан изладим. Мен қўл чўзардим. (*Қичқиради*.) Қўл чўзаман ва сенга дуч келаман, рўпарамда ҳамиша фақат сен, мен эса сенга бўлган нафрат билан тўлиб-тошаман. Мен бошқа йўлга юрдим, у ҳеч қаерга олиб бормайди. Менинг хурлигим — ёлғон. Геликон! Геликон! Бу ерда ҳам ҳеч нарса йўқ. О, нақадар оғир бу тун! Геликон келмайди: биз асрлар оша айбдор бўлиб қоламиз. Бу тун худди инсоният қайғулари каби оғир.

Саҳна ортидан шивир-шивир ва қуролларининг шақир-шуқири эшишилади.

Геликон (*саҳна қаърида қўққисдан пайдо бўлади*). Эҳтиёт бўл, Гай! Эҳтиёт бўл!

Кўринмас қўл Геликонга ханжар санчади.

Калигула туради, қўлига курсича(табуретка)ни тутиб, оғир нафас оларкан, қўзгунинг ёнига боради. Ўзига тикилади, олдинга сакрагандай маънони тасвирлайди ва қўзгудаги ўз аксининг худди шундай ҳаракатига жавобан унга туфлайди ҳамда курсича билан уради.

Калигула. Тарих сари, Калигула, тарих сари.

Кўзгу синади ва шу дақиқада барча эшиклардан қуролланган фитначилар югурниб киришади. Калигула телбавор бир қаҳқаҳа билан уларга пешвоз чиқади. Қари зодагон унинг ортидан зарб уради, Херея эса юзига, Калигуланинг кулгиси ўлимолди ҳиқичоғига айланади. Унга ҳар томондан зарблар ёғилади.

Калигула (*кулиб ва хириллаб, сўнгги ҳиқиллаши билан қичқиради*). Мен ҳали тирикман!

П А Р Д А